TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI HUZURIDAGI PEDAGOG KADRLARNI QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI OSHIRISH TARMOQ MARKAZI

# GEOGRAFIYA O'QITISH METODIKASI

## Geografiyani o'qitishda innovatsion yondashuvlar

## MODULI BO'YICHA
# O'QUV-USLUBIY MAJMUA



TOSHKENT

**Mazkur o‘quv-uslubiy majmua Oliy ta`lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2023 yil 25-avgustdagi 391-sonli buyrug‘i bilan tasdiqlangan o‘quv reja va dastur asosida tayyorlandi.**


**Тузувчилар:**

**Ш.Авазов** - Низомий номидаги ТДПУ “Ботаника” кафедраси п.ф.н.профессор.

**Ф. Сайдаматов** - Низомий номидаги ТДПУ “География ва уни ўқитиш методикаси” доцент в/б п.ф.ф.д (PhD).

**Тақризчилар:**

**Н.Р.Алимқулов-** Низомий номидаги ТДПУ “География ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси, г.ф.н., доцент.

**Хорижий эксперт:** PhD доктор Франк Лапер - Франция (Париж). Ponter de Parij №10 университети.



**O‘quv-uslubiy majmua TDPU Kengashining 2023 yil 27-iyundagi 11-sonli qarori bilan nashrga tavsiya qilingan.**

# МУНДАРИЖА


**I.ИШЧИ ДАСТУР 4**

**II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ 13**

**III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР 30**

**IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ 61**

**V. КЕЙСЛАР БАНКИ 76**

**VI. ГЛОССАРИЙ 87**

**VII. ФОЙДАЛАНИЛАГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 91**

# I.ИШЧИ ДАСТУР
# КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли Қарори, 2020 йил 30 сентябрдаги Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар-янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир” номли нутқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797- сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари технология таълими йўналишида фаолият олиб бораётган педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, технология таълимини ривожлантириш стратегияларига оид илғор хорижий тажрибалар, янги билимларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш компетенцияларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Географияини ўқитишда инновацион ёндашувлар” модулининг **мақсади:** олий таълим муассасалари география таълими йўналишида фаолият олиб бораётган педагог кадрларининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида географик таълим мазмунини такомиллаштириш, география таълимини ташкил этишга оид тадқиқотларнинг хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари, география таълимининг узлуксиз таълим тизимидаги узвийлигининг аҳамияти, Ўзбекистонда география фани ўқитувчиларини тайёрлаш муаммоларига оид янги билимлар, кўникма ва малакаларини ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

-“География ўқитиш методикаси, География ва иқтисодий билим асослари” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

-мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

-мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“География ўқитиш методикаси, География ва иқтисодий билим асослари” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

## Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**Тингловчи:**

- илмий-географик билимларнинг ўзига хос хусусиятлари, объекти, тузилмаси, дифференциация ва интеграция масалалари, ҳамда географик тадқиқотларнинг асосий йўналишларини;
- қадимги даврда ва ўрта асрларда география, янги ва энг янги даврда географиянинг ривожланишини;
- Ўзбекистон ҳудудидаги географик тадқиқотларни;
- амалий географиянинг моҳияти, географик баҳолаш ва прогнозлаш ҳамда инсониятнинг глобал муаммоларини;
- геоэкологиянинг шаклланиши, ривожланиш тарихи, объекти, предмети ва вазифаларини;
- геоэкологиянинг назарий ва методологик асосларини;
- ер экосфераси – мураккаб глобал геоэкотизимлигини;
- глобал ўзгаришлар ва инсоният стратегияси, геоэкология ва атроф-муҳит муҳофазаси, Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоси, ўзгарувчан иқлим шароитидаги геоэкологик муаммоларни;
- дидактика – география таълимининг педагогик назарияси сифатида эканлигини;

- дидактика ва география таълими методикасининг объекти, предмети, вазифалари ва асосий категорияларини;
- география таълимининг хилма-хил моделлари, қонуниятлари ва тамойилларини;
- касбий соҳасидаги педагогик тадқиқотларнинг ўзига хос ҳусусиятлари, уларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ёндашувларни;
- тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурларни ***билиши*** керак.

**Тингловчи:**

- географиядаги янги ва энг янги методлардан фойдаланиш;
- география **таълими мазмунини танлаш, шакллантириш ва лойиҳалаш;**
- география **таълими мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар (Малака талаблари, ДТС, ўқув режаси, фан дастури ва ўқув адабиётлари) тайёрлаш;**
- география таълимини инновацион асосда ташкил этиш;
- география таълими жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш воситаларидан фойдаланиш;
- география таълими сифати ва мониторинги юритиш;
- география таълимида педагогик назоратни амалга ошириш;
- география таълимида ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш;
- педагогик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш, педагогик тадқиқотларда статистик методлар ва улардан фойдаланиш;
- танланмалар ва гипотезаларни шакллантириш;
- электрон жадваллар ва статистика дастури ёрдамида корреляцион таҳлилини ўтказиш ***кўникмаларига*** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- таълим-тарбия жараёнида инновацион муҳитни яратиш;
- олий таълимда география фанларини ўқитишда локал, хусусий методик даражадаги технологиялардан фойдаланиш;
- география фанларини ўқитишнинг педагогик технологияларга асосланган инновацион муҳитини лойиҳалаштириш;
- шахс географик маданиятининг белгиларини яратиш;
- география таълими мазмуни ва географик билиш жараёни географик маданиятни шакллантириш;

- географик маданиятнинг тузилмавий-таркибий қисмлари (географик тафаккур, географик тил, географик билиш методлари, дунёнинг географик манзараси) ни такомиллаштириш;
- педагогик тадқиқотлар натижалари таҳлил қилишдаги замонавий ёндашувлар, методлар ва воситалардан фойдаланиш;
- педагогик тадқиқотларда статистик методлардан ўз тадқиқотларида фойдаланиш;
- тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурлар ёрдамида статистик ва корреляцион таҳлилни ўтказиш ***малакаларига*** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- ҳудудий географик тафаккур ва унинг маҳаллий, миллий, минтақавий, глобал даражаларига оид тадқиқотлар олиб бориш;
- географик таққослаш, умумлаштириш ва географик мавҳумлаштириш.
- география тили ***(***географик рақамлар; географик хронологик саналар; географик жой номлари; географик карталар тили; географик тил шакллари: овозли-оғзаки ва овозсиз-ёзма)дан ўқув жараёнида фойдаланиш;
- географиядан методик ишланмалар тайёрлаш;
- талабаларнинг мустақил таълими ва ижодий изланишларини ташкил этиш;
- бўлажак география ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлигини орттиришда витаген тажрибалардан фойдаланиш;
- талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш;
- педагогик тадқиқотларда статистик методларни ўз тадқиқотларида қўллаш;
- тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурларга статистик функцияларини киритиш ва натижалар таҳлилини ўтказиш ***компетенциясига*** эга бўлиши лозим.

## Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“География таълими” йўналиши бўйича машғулотлар назарий ва амалий шаклларда олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида ўқитишнинг инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интерфаол таълим методлари қўлланилиши назарда тутилган: яъни,

- назарий машғулотларда тақдимотлар, мавзуга оид фильмлар ҳамда компьютер технологияларини жорий этиш;
- амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

"Географияини ўқитишда инновацион ёндашувлар" модули мазмуни ўқув режадаги "Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш", " Инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш", "Касбий компетенцияларини ривожлантириш" ва "Географиянинг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари" ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

## Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгти ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасалари география таълими йўналишида фаолият олиб бораётган педагог кадрларининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида географик таълим мазмунини такомиллаштириш, география таълимини ташкил этишга оид тадқиқотларнинг хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари, узлуксиз таълим

тизимидаги узвийлигининг аҳамияти, Ўзбекистонда география фани ўқитувчиларини тайёрлаш муаммоларини ўрганишга эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Ками аудитория соати | Жумладан | |
|---|---|---|---|---|
| | | | назарий | амалий |
| 1. | Географияни ўқитишда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўллари | 4 | 2 | 2 |
| 2. | Инновацион технологияларнинг илмий назарий асослари. | 4 | 2 | 2 |
| 3. | Педагогик жараённинг характери, бориши ва мазмунини ўзгартиришда қўлланиладиган педагогик технологиялар. | 2 | 2 | |
| 4. | География дарсларида ва дарсдан ташқари ишларда замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш йўлари. | 4 | 4 | |
| 5. | Ўқувчилар билим кўнималарини назорат қилиш ва баҳолаш усуллари билан танишиш. | 2 | | 2 |
| 6. | География таълими методлари, машғулот мазмунига кўра ўқитиш методларини танлашни ўрганиш | 2 | | 2 |
| 7. | Дарс типлари, дарс ишланмасини тузишни ўрганиш. | 2 | | 2 |
| 8. | Дарс таҳлилига қўйиладиган талаблар. | 2 | | 2 |
| 9. | Муаммоли таълим методи билан амалий танишиш. | 2 | | 2 |
| Жами | | 24 | 10 | 14 |

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Географияни ўқитишда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўллари.**

Географияни ўқитишда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўлларини таҳлил қилиш.

**2-мавзу. Инновацион технологияларнинг илмий назарий асослари.**

География дарсларида инновацион технологияларнинг илмий назарий асослари.

**3-мавзу: Педагогик жараённинг характери, бориши ва мазмунини ўзгартиришда қўлланиладиган педагогиктехнологиялар.**

География фанини ўқитишда қўлланиладиган педагогик технологияларнинг характери, бориши ва мазмунини таҳлил қилиш.

**4-мавзу: География дарсларида ва дарсдан ташқари ишларда замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш йўлари.**

География дарсларида ва дарсдан ташқари ишларда замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш йўлари ўрганиш.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

**1-Амалий машғулот: Географияни ўқитишда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўллари.**

**(2 соат)**

Географияни ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўллари таҳлил қилиш.

**2-Амалий машғулот: Инновацион технологияларнинг илмий-назарий асослари.**

**(2 соат).**

Инновацион технологияларнинг илмий-назарий асослари таҳлил қилиш.

**3-Амалий машғулот: Ўқувчилар билим кўнималарини назорат қилиш ва баҳолаш усуллари билан танишиш. (2 соат).**

Ўқувчилар билим кўнималарини назорат қилиш ва баҳолаш усуллари билан танишиш.

**4-Амалий машғулот: География таълими методлари, машғулот мазмунига кўра ўқитиш методларини танлашни ўрганиш. (2 соат).**

География таълими методлари, машғулот мазмунига кўра ўқитиш методларини танлашнинг ўрни ва ролини таҳлил қилиш ва имкониятларидан кенг фойдаланиш.

**5-Амалий машғулот: Дарс типлари, дарс ишланмасини тузишни ўрганиш. (2 соат).**

Дарс типлари, дарс ишланмасини тузишни ўрганиш ва дарс самарадорлигини ошириш усулларини таҳлил қилиш.

**6-Амалий машғулот: Дарс таҳлилига қўйиладиган талаблар. (2 соат).**

Дарс таҳлилига қўйиладиган талаблар билан танишиш ва таҳлил қилиш.

**7-Амалий машғулот: Муаммоли таълим методи билан амалий танишиш. (2 соат).**

Географияни ўқитиш жараёнида **муаммоли таълим методи билан амалий танишиш** ва дарсларда фойдаланиш йўлларини таҳлил қилиш

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

**1. “Ақлий ҳужум” методи** - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавоб-ларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавоб-ларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Уш-бу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностан-дарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

**“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:**

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.

2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.

3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Қуйида “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган.




**“Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси**

**“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;

2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;

3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;

4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;

5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

**“Ақлий ҳужум” методининг афзалликлари:**

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.

**“Ақлий ҳужум” методининг камчиликлари:**

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

**2. “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи** - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарс-даги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-бири-дан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўла-ди. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни

мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда иш-лаш” методининг тузилмаси келтирилган.

**“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидаги-лардан иборат:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.

3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.

4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўнал-тириб турилади.

5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.

6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.



**“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси**

**«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:**

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

**«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:**

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

**3. “Давра суҳбати” методи –** айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу

эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради, “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.




**Давра столининг тузилмаси**

Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган:




**“Давра сухбати” методининг тузилмаси**

“Давра сухбати” методининг ***босқичлари*** қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.

3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.

4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

**“Давра суҳбати” методининг афзалликлари:**

- ўтилган материалининг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

**“Давра суҳбати” методининг камчиликлари:**

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

**4. “Ролли ўйин” методи** - таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характери, хулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



## Ролли ўйин”  методининг тузилмаси

**“Ролли ўйин”  методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

Ушбу методни қўллаш учун сценарий тълим берувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда таълим олувчиларни ҳам сценарий ишлаб чиқишга жалб этиш мумкин. Бу таълим олувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий махсус фан бўйича ўтилаётган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Таълим олувчилар ушбу ролли ўйин кўриниши-дан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли хулоса чиқаришлари  лозим.

**“Ролли ўйин”  методининг афзаллик томонлари:**

- ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивация (қизиқиш)ни шакллантиришга ёрдам беради;
- таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;
- таълим олувчиларда берилган вазиятни таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

**“Ролли ўйин” методининг камчилик томонлари:**

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- таълим олувчиларнинг ўйинга тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин;
- барча таълим олувчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.

**5. “Баҳс-мунозара” методи** - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методи-дир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол барта-раф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидасига (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлашга) риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.




**“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси**

“Баҳс-мунозара” методининг ***босқичлари*** қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.

3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

**“Баҳс-мунозара” методининг афзалликлари:**

- таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундайди;

- таълим олувчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;
- таълим олувчиларда тинглаш ва таҳлил қилиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

**“Баҳс-мунозара” методининг камчиликлари:**

- таълим берувчидан юксак бошқариш маҳоратини талаб этади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

**6. “Муаммоли вазият” методи** - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаб-лиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзла-рига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммо-нинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган (расмга қаранг).

“Муаммоли вазият” методининг ***босқичлари*** қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.




**“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси**

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

**“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:**

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- таълим олувчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларни топишни ўрганадилар;
- таълим олувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;
- таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

**“Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:**

- таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;
- қўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;
- кўп вақт талаб этилади.

**7. “Лойиҳа” методи** - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билим-

ларини бошқа вазиятларда қўллай олиш-ни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган:




г босқичлари

“Лойиҳа” методининг ***босқичлари*** қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи лойиҳа иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, чизмалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғадилар.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул

қиладилар. Таълим олувчилар таълим берувчи билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзлари текширадилар. Бундан ташқари кичик гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси” да қайд этилади. Таълим олувчи ёки кичик гуруҳлар ҳисобот берадилар. Иш якуни қуйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиҳа кўринишидаги ёзма ҳисобот.

6. Таълим берувчи ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний суҳбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

Таълим берувчи “Лойиҳа” методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиҳа ишини дарс режасига киритиши, топшириқни таълим олувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан таништириши, лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

## III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### 1-мавзу: Географияни ўқитишда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўллари

**Режа:**

1. География таълими мазмунининг таркибий қисмлари.
2. География дарсларида талабаларни тўлақонли ўқув – билиш жараёнининг субъектига айлантириш йўллари.
3. Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш босқичлари.
4. Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шакллари.

***Таянч иборалар:*** Талабаларнинг билиш фаолияти, субъект-субъект муносабатлар, ялпи, индивидуал ва кичик гуруҳларда ўқитиш.

**География** юнонча “гео” - ер, “графо” – ёзаман деган манони билдиради. География деб - ўзаро чамбарчас боғланган, ернинг географик қобиғининг табиий ва ишлаб чиқариш комплексларини ва уларнинг таркибий қисмларини ўрганадиган табиий (табиий география) ва ижтимоий (иқтисодий география), ҳамда махсус географик фанлар тизимига айтилади.

география таълимининг асосий масқсад ва вазифалари ўзбекистон республикаси халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган «мактаб географиясини қайта қуришнинг илмий-услубий контсептсияси»да қуйидагича белгилаб берилган:
- дунёни яхлит идрок этишни, географик қамровда мушоҳада юритишни, бир сўз билан айтганда, географик маданиятни тарбиялаш;
- теварак-атрофни идрок қилишнинг муҳим воситаси ва услуби бўлган харитадан моҳирона фойдалана билишни ўргатиш;
- ҳар қандай шахс, табиат ва жамият билан муносабатнинг энг оқил меъёрларига амал қилишни, буни муҳим шарти эса, уларга комплекс ёндашиш

зарурлигини англатмоқ;
- ҳар бир фуқоронинг ўзи яшаб турган ижтимоий муҳитда самарали фаолият кўрсатишига зарур бўлган билим ва малака бериш билан руёбга чиқиши ва ривожланишини таъминлаш.

**География таълимининг мазмуни**. География таълими умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган педагогик жараённинг ажралмас ва узвий боғланган таркибий қисми сифатида мазкур таълим муассасаси олдига қўйилган умумий мақсадларга мувофиқ баркамол талаба шахсини тарбиялашга хизмат қилади. Шунингдек, география таълими талабаларда ер тўғрисидаги илмий дунёқарашларни шакллантиради, ижтимоий-иқтисодий билимларни таркиб топтиради, дунё давлатлари ва турли регионларда жамият ва табиатнинг ўзаро боғлиқлиги, географик объект, жараён ва ҳодисалар ҳақидаги билим ва тушунчалар билан қуроллантиради, умуминсоний маданиятни таркибий қисми бўлган географик маданиятни тарбиялайди. **Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш йўллари:**
1.билимларни ўзлаштириш жараёнида ташкил этиш; 2. Мустақил иш асосда ташкил этиш: 3. Кўникмаларни шакллантириш мақсадида ташкил этиш: 4. Аҳлоқий сифатларни шакллантириш мақсадида ташкил этиш:

Таълим жараёнида талаба ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида, таълим мазмуни, методлари, воситалари ва шакллари ёрдамида географик қобиқнинг қонуниятлари, ҳодиса ва воқеаларнинг моҳияти, ўзига хос хусусиятларини ўрганади ва билим, кўникма ва малакаларни эгаллайди. Бундан кўриниб турибдики, талабалар учун ўқув жараёни билиш жараёни, унинг фаолияти эса билиш фаолиятидир.

Ўқитувчи таълим жараёнида талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этади, бошқаради, назорат қилади, баҳолайди ва ўкитишдан кўзда тутилган таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни амалга ошириш орқали шахснинг ҳар томонлама ривожланишига замин яратади.

Ўқитувчи учун таълим жараёни талабаларнинг фаолияти билан узвий боғланган ва мазкур жараённи таҳлил қиладиган, умумлаштириб, тегишли ҳолларда ўзгартиришлар киртадиган иш жараёни, касбий педагогик фаолияти саналади. Дарсда талабаларнинг билиш фаолияти ва ўқитувчининг педагогик фаолияти бир-бирига уйғун равишда ташкил этилгандагина ўқитишдан кўзда тутилган мақсадларга эришиш мумкин.

Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш дарс структурасининг асосини ташкил этади. Шу сабабли бу масалани чуқурроқ ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Полшалик дидактик олим в.оконнинг введение в общую дидактику[1] китобида талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги йўллари кўрсатилган:

**1. Билимларни ўзлаштириш жараёнида талабаларнинг билиш фаолияти қуйидаги босқичларда ташкил этилади:**

- Ўқув материали билан дастлабки танишиш;
- Ўқув материалларини ўрганиш;
- Ўзлаштирилган билимларни аввал ўзлаштирилган билимлар билан таққослаш;
- Билимларни тизимга солиш ва мустаҳкамлаш;
- Ўзлаштирилган билимларни янги ҳолатларда қўллаш.

**2. Талабаларнинг билиш фаолиятини мустақил иш асосда ташкил этиш:**

- Муаммоли вазиятларни келтириб чиқариш;
- Ўқув топшириқларининг мақсадини аниқлаш;
- Мустақил изланиш орқали саволларга жавоблар топиш;
- Назарий билимлар ва амалий кўникмалар асосида жавобларнинг тўғрилигини текшириб кўриш;
- Билимларни тизимга солиш ва мустаҳкамлаш;

[1] В.Оконь. Введение в общую дидактику. М., Высшая школа.1990, 382с

- Билим, кўникма ва малакаларни янги вазиятларда қўллаш.

**3. Талабаларнинг билиш фаолиятини кўникмаларни шакллантириш мақсадида ташкил этиш:**

- Ўқув фаолиятини амалга ошириш мақсади, боришини аниқлаш;
- Ўқув фаолиятнинг моделини тузиш;
- Фаолиятни бажариш намунасини кўрсатиш;
- Талабалар томонидан ишни бажариш;
- Фаолиятни такрорлаш ва хатосиз бажаришни ўрганиш.

**4. Талабаларнинг билиш фаолиятини аҳлоқий сифатларни шакллантириш мақсадида ташкил этиш:**

- Ўқитувчининг кўрсатмаси ёки тавсиясига биноан, тавсия этилган адабиётларни топиш;
- Қўшимча ўқув адабиётлар билан танишиш;
- Ўрганилган ахборотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- Адабиёт муаллифининг жамиятнинг маънавий-маърифий соҳасида ёки фан ривожига қўшган ҳиссасини аниқлаш ва баҳо бериш;
- Талабаларнинг ўз хулқи ва аҳлоқий сифатларини ривожлантириш юзасидан умумий хулосаси.

Таълим жараёнини тарбия билан, билим, кўникма ва малакаларни бир-бири билан ажратилган ҳолда шакллантиришга мўлжалланган ўқув фаолиятини ташкил этиш мумкин эмас.

Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этганда, таълим-тарбия жараёнини яхлит, бир тизим ҳолатида, билим, кўникма ва малакаларни бир - бири билан узвий равишда шакллантириш лозимлигини қайд этиш зарур.

Юқорида қайд этилган вазифаларни ҳал этиш ва анъанавий таълим тизимидаги камчиликларга барҳам бериш, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш учун талабаларнинг билиш фаолиятини ялпи ўқитиш билан бир қаторда, индивидуал ва кичик гуруҳларда ўқитишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Талабаларнинг билиш фаолияти индивидуал тарзда ташкил этилганда талабалар ўқув материалини мустақил ўзлаштирадилар, уларнинг ақлий ривожланиши, қизиқиши, эҳтиёжи, иқтидори, билимларни ўзлаштириш даражаси ҳисобга олинган ҳолда тузилган ўқув топшириқларини мустақил бажаради ва ўз билиш фаолиятининг субъектига айланади.

**Педагогик муносабатлар типининг ўзига хос хусусиятлари**

| **Педагогик муносабатлар** | **Ўқитувчи фаолияти** | **Талаба фаолияти** |
|---|---|---|
| **Субъект – объект муносабатларда** | Янги мавзу материали энг осон ўзлаштириладиган усулда, тайёр ахборот шаклида баён этилади. Тегишли ҳолларда савол-жавоб ўтказади, билимларни мустаҳкамлаб, баҳолашни амалга оширади. | пассив, фақат ахборотларни қабул қилишга, шу ҳолатда эслаб қолиш, саволларга жавоб бериш, кўрсатмага биноан иш кўриш. |
| **Субъект-субъект муносабатларда** | Дарс фойдаланилаётган технологиялари талаблари асосида ташкил этилади. Янги мавзу материали талабалар томонидан мустақил ўрганишлари учун ўқув топшириқлари тавсия этади тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради, савол-жавоб ўтказади, билимларни мустаҳкамлаш, ўз -ўзини, ўзаро назорат ва ўқитувчи назорати орқали баҳолашни амалга оширади. | Тавсия этилган ўқув топшириқлари асосида ўз ўқув фаолиятини ташкил этади, муаммоли вазиятлардан чиқишнинг энг муқобил вариантини ишлаб чиқади, аввал ўзлаштирган билим ва кўникмаларидан фойдаланиб, янги билимларни ўзлаштиради, ўз фаолиятини ўртоқларининг фаолияти билан таққослаб, ўзини ривожлантириш режасини тузади. |

Таълим-тарбия жараёнида субъект-субъект муносабатларни вужудга келтиришда талабаларнинг билиш фаолиятини индивидуал ва кичик гуруҳларда ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

**Талабаларнинг билиш фаолиятини индивидуал ташкил этиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:**

- Ўқув топшириғининг дидактик мақсадини аниқлаш;
- Мустақил изланиш мақсадини ва мақсадни амалга ошириш йўлларини аниқлаш;
- Ўз мустақил ишини ташкил этиш;
- Ўқув материалини мустақил ўрганиш;
- Ўрганилаётган объектларни таққослаш, ўхшашлик ва фарқларни, ўзига хос хусусиятларни аниқлаш;
- Олинган натижани лойиҳалаш, унинг мақсадга мувофиқлигини текшириш;
- Натижани таҳлил қилиш, тегишли ҳолларда унга ўзгартиришлар киритиш.

Ўқув топшириқларини индивидуал бажариш жараёнида талабаларнинг ақлий фаолияти жалб этилади, ўз билими, кучи ва қобилиятига бўлган ишонч ортади ва ҳар бир шахс ўз имконияти даражасида ривожланади. Шу тарзда ташкил этилган билиш фаолиятида вақтдан унумли фойдаланилади, самарадорлик ортади. Модулли таълим технологияси, ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг методларидан фойдаланиб ташкил этилган дарсларда талабаларнинг билиш фаолияти индивидуал тарзда ташкил этилади.

Географиянинг ўқитишда талабаларнинг билиш фаолияти индивидуал тарзда ташкил этиш асосан дарсдан ва синфдан ташқари ишларда ҳам фойдаланилади. Масалан, талабаларнинг уй вазифасини бажаришида уларга тафовутлаб ёндашиш имкониятлари мавжуд. Талабаларга муайян мавзулар бўйича кузатиш ва тажрибалар ўтказиш, маъруза ва рефератлар тайёрлаш,

турли мавзуларда ўтказиладиган танловлар учун материаллар тайёрлаш шулар жумласидандир.

Таълим – тарбия жараёнида дарсда ўрганиладиган мавзунинг мазмуни эътиборга олинган ҳолда дарсда талабаларнинг кичик гуруҳларда мустақил ишлаши, дебатлар ташкил этиш, ақлий ҳужум, дидактик ўйинлар, тақдимот, ўз-ўзини баҳолаш, ташриф кабилардан фойдаланиш, масала ва машқлар ечишни йўлга қўйиш ўқитувчининг диққат марказида бўлмоғи лозим.

Талабаларнинг билиш фаолияти кичик гуруҳларда ташкил этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- ➢ Дарсда вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни ҳал этиш йўлларини белгилаш;
- ➢ Ўқув топшириқларининг дидактик мақсади, бажариладиган топшириқлар билан танишиш;
- ➢ Кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда мақсадни амалга ошириш йўлларини лойиҳалаш, мустақил ишларни ташкил этиш;
- ➢ Ўрганилаётган объектни аввал ўрганилган объектлар билан таққослаш;
- ➢ Натижаларни лойиҳалаш ва унинг мақсадга мувофиқлигини текшириш;

- Натижани таҳлил қилиш, тегишли ҳолларда унга ўзгартиришлар киритиш.
- Талабаларнинг билиш фаолияти кичик гуруҳларда ташкил этилганда гуруҳдаги ҳар бир талаба иқтидори, қизиқиши, билим савияси, билимларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, талабалар ўртасида ҳамкорлик, ўқув мулоқоти, баҳси, мунозара, ўзаро ёрдамни амалга ошириш кўзда тутилади.

География ўқитишда ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг барча методларидан, модулли таълим технологиясининг талабаларнинг кичик гуруҳларда ишлашига мўлжалланган модул дастурларида фойдаланиш шулар жумласига киради.

География дарсларида талабаларнинг билиш фаолияти ялпи ўқитишни индивидуал ва кичик гуруҳларда ишлаш шакллари билан уйғунлаштирилганда

жуда юқори самара беради. Ҳамкорликда ўқитишнинг кичик гуруҳларда ўқитиш методида ялпи ўқитиш кичик гуруҳлар билан, “арра ” методида эса, талабаларни аввал индивидуал тарзда, сўнгра кичик гуруҳларда ўқитиш уйғунлаштирилди.

География дарсларида ўрганилаётган мавзунинг дидактик мақсади, вазифалари, мазмунидан келиб чиққан ҳолда талабаларнинг билиш фаолияти индивидуал, кичик гуруҳларда ва ялпи ҳолда ташкил этиш шаклларидан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш тавсия этилади.

Талабаларнинг билиш фаолиятини самарали ташкил этиш ва оқилона бошқариш учун география ўқитувчиси қуйидаги амалларни бажариши лозим:

Ўрганилаётган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, талабаларнинг билиш фаолиятини қайси шаклда ташкил этиш;

Талабаларнинг билиш фаолиятини лойиҳалаш;

Ўқитишдан кўзда тутилган мақсадни амалга ошириш йўлларини белгилаш;

Дарс давомида талабаларнинг билиш фаолиятидан олинган натижани таҳлил қилиш ва унинг мақсадга мувофиқлигини текшириб кўриш;

Зарур ҳолларда талабаларнинг билиш фаолияти лойиҳасига тегишли ўзгартиришлар киритиш.

**Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шакллари**

| Билиш фаолиятини ташкил этиш шакллари | Ўқитувчи фаолияти | Талабалар фаолияти |
|---|---|---|
| Ялпи оммавий ўқитиш | Янги мавзуни кўргазмалилик асосида тушунтиради, тайёр ахборот берилади, субъект-объект муносабати вужудга келади | Янги мавзуни тинглайди, эслаб қолади, саволларга жавоб беради. Фаолияти суст бўлади. |

| | | |
|---|---|---|
| Индивидуал ўқитиш | Ҳар бир талабага тегишли топшириқлар тайёрлайди ва тавсия этади. Янги мавзуни талабалар билан ҳамкорликда қайта ишлайди. Субъект-субъект муносабатлари вужудга келади. | Ўзларига тегишли ўқув топшириқларни бажаради, ўз билими, кучи ва иқтидорига бўлган ишончи ортади, билиш қувончини ҳис этади |
| Кичик гуруҳларда ўқитиш | Ҳар бир кичик гуруҳга тегишли ўқув топшириқлари тайёрлайди ва тавсия этади. Янги мавзуни талабалар билан ҳамкорликда қайта ишлайди. Субъект-субъект муносабатлари вужудга келади. | Белгиланган ўқув топшириқларини бажаради, ўзаро ҳамкорлик вужудга келади, ўзаро назорат амалга ошади, билиш қувончини ҳис этади |

Шундай қилиб, талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, мазкур фаолиятни мақсадга мувофиқ ташкил этиш, уни лойиҳалаш, мақсадни амалга ошириш йўлларини белгилаш, олинган натижани таҳлил қилиш ва баҳолаш босқичларидан иборат бўлади.

Ҳозирги замон таълим-тарбия жараёнида ўз ҳукмронлигини сақлаб келаётган анъанавий таълим, талабаларни ялпи ўқитишни ва талабаларнинг билиш фаолияти пассив тингловчи сифатида ташкил этишни назарда тутади. Ўқитиш ишларини ташкил этишда ўрта савияли талаба мўлжалга олинади, талабаларнинг мустақиллиги эътибордан четда қолади, ўқув фаолияти ўқитувчи томонидан бошқарилади.

Шу сабабли талабаларни ўз ўкув фаолиятининг тўлақонли субъектига айлантириш, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш, ўқитиш самарадорлигини орттириш мақсадида географияни ўқитиш жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш зарурати туғилди.

## Назорат қилиш учун саволлар

1. География дарсларида талабаларни тўлақонли ўқув – билиш жараёнининг субъектига айлантириш йўллари аниқланг.

2. Талабаларни ўз ўқув фаолиятининг субъектига айлантириш босқичларини аниқланг.

3. Мақсадга мувофиқлик, лойиҳалаш, мақсадни амалга ошириш натижани таҳлил қилиш ва баҳолаш босқичларига тавсиф беринг.

4. Субъект - субъект муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

5. Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шаклларини таққосланг.

## 2-мавзу: Инновацион технологияларнинг илмий назарий асослари

**РЕЖА:**

1. Педагогик технологияларнинг мазмуни, таърифлари, таснифи
2. Педагогик технологияларнинг кўринишлари ва даражалари.
3. Педагогик технологиянинг мезонлари.

***ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:*** Технология, педагогик технология, педагогик технология таснифи, педагогик технология даражалари, педагогик технология мезонлари.

Педагогик технология тушунчаси кенг кўламли, серқирра тушунча бўлиб, у таълим-тарбия амалиётини ривожлантириш эҳтиёжлари асосида келиб чиққан ва ҳозирда педагогика, психология фанларида ўз ўрнига эга. Таълим-тарбия фаолиятининг мазмуни, мақсад ва вазифалари даврлар ўтиши билан кенгайиб бориши натижасида унинг шакли ва усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда инсон фаолиятининг асосий йўналишлари шу фаолиятдан кўзда тутилган мақсадларни тўлиқ амалга ошириш имконини

берувчи яхлит тизимга, яъни технологияга айланиб бормоқда. Шу асосда таълим-тарбия соҳасида сўнгги даврда педагогик технология амал қила бошлади.

Ишлаб чиқаришдаги технологияларда турли материалларга ишлов бериш тегишли касб усталари томонидан амалга оширилади. Педагогик технологияда эса ишлов бериладиган материал (ўқувчи) таълим олувчининг ақлий, руҳий, ахлоқий сифатлари бўлиб, уларга ўқитувчи, тарбиячи томонидан маълум мақсадларга эриши йўлида ҳар турли таъсирлар ўтказилади.

Ҳозирги замон илм-фан тараққиёти, ахборот муҳитининг кенглиги, ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг ривожланиш суръати – таълим тизимига давр талаби нуқтаи назаридан янгича қарашни, уни жамият талаблари ва шахс эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим жараёнига педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишни тақазо этмоқда.

Республика узлуксиз таълим тизими учун дастлабки поғона бўлган умумий ўрта таълим тизимининг табиий география таълимида ушбу муаммо долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради.

Умумий ўрта таълим тизимида таълим тарбия жараёнига педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишдан мақсад – ижтимоий-иқтисодий шароит талабларига мослаша оладиган, ҳар соҳадан хабардор, маънавий баркамол шахсни ўқитиш, тарбиялаш жараёнини тезлаштириш ҳамда уларнинг тайёргарлик сифатини назорат қилишнинг ишончли, бир маромга келтирилган тизимини ишлаб чиқишдан иборат. Унинг маҳияти эса, таълим-тарбия жараёнини жадаллаштириш, ўкувчиларнинг ақлий-ижодий имкониятларини руёбга чиқариш, натижаларини объектив баҳолай олиш, кўзланган натижаларга эришишни кафолатлашга қаратилган педагогик жараённи англатади.

Технология тушунчаси 60-йилларда Америкава Ғарбий таълимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ равишда кириб келди. Б.Блум, Ж. Королл,

П.Я.Гальперин, В.И.Давидов, Н.А.Менчинская, З.И.Калмикова, Л.И.Занков технологиялари машҳур.

Таълим технологияси, педагогик технологиялар назариясининг умумий асослари моҳиятини тўлақонли англаш учун мазкур иборанинг луғовий маъносини тушуниб олиш тақазо этилади. «Технология» юнонча сўз бўлиб, «течне» - маҳорат, санъат, «логос» - тушунча, таълимот маъносини англатади.

**Педагогик технология тушунчаси XX асрда пайдо бўлиб, қуйидаги ривожланиш босқичларидан ўтиб келмоқда:**

- Дастлаб бу тушунча 1940-1950-йиллар ўрталаригача «таълимда технология» деб қўлланилиб, ўқув жараёнида аудиовизуал техника воситаларида фойдаланишни ифода қилган.
- Педагогик технология тушунчаси дастлаб XX асрнинг ўрталарида АҚШ да қўлланила бошлаган. Бунда «технология технология» ва «таълимда технологияси» ифодалари фақат техника воситалари ёрдамида ўқитишга нисбатан қўлланилган.
- 1950 йиллар ўртасида 1960- йилларгача «таълимда технологияси» ифодаси қўлланилиб, бунда программалаштирилган таълимни назарда тутилган.
- 1979 йилда АҚШ Педагогик коммуникациялар ва технологиялар ассоцияси томонидан комплекс, интегратив жараён деб таърифланган.
- 1980 йилларни бошидан педагогик технология деб таълимнинг компьютерли ва ахборот технологияларини яратишга айтилган.

«Таълим технологияси» иборасининг маъноси (инглизча «ан эдусатионал технологй») таълим жараёнини юксак маҳорат, сан ъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот маъносини англатади. Айни вақтда таълим технологияси тушунчасининг таърифи ҳамда моҳияти борасида ягона ғоя, фикр мавжуд бўлмай, балки, бу назария моҳиятини ёритилишига нисбатан турли ёндашувлар, яъни, В.П.Беспалько, И.П.Волков, В.М.Шепель, В.М.Кларин, Г.К.Селевко, ЮНЕСКО, В.М.Маханов ва бошқа педагог-дидактикачилар томонидан берилган таърифлар мавжуд. Педагогик технология атамасига шу муаммо бўйича изланган ҳар бир олим ўз

нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таъриф берган. Ҳали бу тушунчага тўлиқ ва ягона таъриф қабул қилинмаган. Ушбу таърифларнинг ичида энг мақсадга мувофиғи ЮНЕСКО томонидан берилган таъриф саналади.

Педагогик технология – ўқитиш шаклларини оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида инсон салоҳияти ва техник ресурсларни қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Бу ерда инсон салоҳияти дейилганда ўқитувчининг педагогик ва ўқувчиларнинг билиш фаолияти, техник ресурслар деганда ўқитиш методлари ва воситалари назарда тутилмоқда. Педагогик технологияга берилган таърифлар қуйидагича: Технология –бирор ишда, маҳоратда, санъатда қўлланиладиган усуллар, йўллар йиғиндиси (Изоҳли луғат)

Педагогик технология – ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлган ҳолда педагогик мувоффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир (В.П.Беспалько).

Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган барча шахсий, инструментли ва методологик воситаларнинг тизимли йиғиндисини ва амал қилиш тартибини билдиради (М.В.Кларин).

Педагогик технология - бу ўқитишга ўзига хос янгича (инновацион) ёндашувдир. У педагогикадаги ижтимоий муҳандислик тафаккурининг ифодаланиши. Технократик илмий онгнинг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашуви ҳисобланади (Б.Л.Фарберман).

Педагогик технология – турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таъриф-лари мазмунини ўзида мужассам этувчи умумлаштиришдан иборат (Г.К.Селевко).

Педагогик технологиянинг моҳияти дидактик мақсад талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришишдан иборат бўлиб, уни тадбиқ этишни ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини илгаридан лойиҳалаштиришда намоён бўлади (У.Нишоналиев).

Педагогик технология – бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароит ва кетма-кетликда таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини шакллантириш жараёнидир ( Н. Сайдаҳмедов)

Педагогик технология- бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, шахсни олдиндан белгиланган ижтимоий сафатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини тизим сифатида қараб, уни ташкил этувчилар, яъни ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини ва таълим натижасини назорат жараёнида баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир ( Б.Зиёмуҳаммедов).

Педагогик технология- бу ўқитишнинг ўзига хос янгича (инновацион) ёндашувидир. У педагогикадаги ижтимоий муҳандислик тафаккурининг ифодаланиши, технократик илмий онгнинг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашуви ҳисобланади (Б.Л.Фарберман) ва ҳ.к.

Педагогик технологиялар қуйидаги белгиларига кўра тасниф қилинади:

- Қулланиш даражасига кўра
- Фалсафий асоси бўйича;
- Асосий ривожлантирувчи омили бўйича;
- Ўзлаштириш концепцияси бўйича;
- Шахсий белги сифатларига кўра ўйналганлиги бўйича;
- Мазмуни хусусиятлари бўйича;
- Бошқарув тури бўйича;
- Кўп қўлланиладиган методлари бўйича;
- Болага ёндашув бўйича;
- Таълим олувчилар тоифалари бўйича

Педагогик технологияларни умумпедагогик, хусусий (ўқув фанлари) ва кичик технологиялардан иборат учта даражага ажратилади.

- **Умумпедагогик технология** – турли даражадаги тизимларни ифодалайди. У айрим ҳудуддаги, тумандаги таълим муассасидаги ёки таълимнинг айрим поғонасидаги барча таълим-тарбия жараёнига тегишли бўлади.
- **Хусусия технология** – таълим-тарбия мазмунининг айрим йўналишларини амалга ошириш усуллари ва воситалари мажмуасини ўз ичига олувчи педагогик тизимларни қамраб олади.
- **Кичик технологиялар** - ўқув-тарбия жараёнининг айрим қисмларини ўз ичига олади. У айрим дидактик ва тарбиявий мақсадларни ҳал қилиш билан шуғулланади.

Педагогик технологияларнинг асосий мезонларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- Маълум илмий асосга, концепцияга таяниш.
- Тизимли, ўқув-тарбия жараёни ва унинг қисмларини ўзаро мантиқий боғлиқлиги.
- Самарадорлиги, таълим стандартларига эришишнинг кафолатлаши, сарфлаш талаб қилинадиган вақт, куч ва воситаларнинг маъёр даражасида эканлиги.
- Бошқалар томонидан қайта амалга ошириш мумкинлиги.

## Назорат учун саволлар

1. Педагогик технологияга ўзлаштирган билимларингиз асосида ўз нуқтаи назарингиздан таъриф беринг.
2. Педагогик технологиялар борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?
3. Педагогик технологияларнинг қандай кўринишлари мавжуд?
4. Педагогик технологияларнинг даражаларини изоҳланг.

5. Педагогик технология тасниф асосида мисол сифатида ҳозирги анъанавий мактаб таълини таснифланг.
6. Педагогик технологиянинг асосий мезонларига нималар киради?

## 3-мавзу: ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ ХАРАКТЕРИ, БОРИШИ ВА МАЗМУНИНИ ЎЗГАРТИРИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**РЕЖА:**

1. Педагогик технологияларнинг асосий йўналишлари.
**2.** Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш**.**
**3.** Талимни дифферентсиялаштириш ва индивидуаллаштириш.

***ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:***Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, демократлаштириш, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш, демократлаштириш, ҳамкорлик, географик таълимни демократлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалдаги босқичи таълим муассасаларини махсус тайёрланган педагогик кадрлар билан таъминлаш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш, ўқув тарбия жараёнини сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш каби қатор вазифаларни амалга оширишни кўзда тутади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш ҳар бир таълим муассасасининг шу жумладан, педагогика олий ўкув юртларининг бевосита вазифаси саналади.

Таълим-тарбия жараёнида  педагогик технологияларни муваффақиятли қўллаш учун География ўкитувчилари махсус методик билим ва кўникмаларни эгаллашлари, педагогик амалиётда зарур бўладиган методик тайёргарликка эга бўлишлари лозим.

Педагогик технология атамасига шу муаммо бўйича изланган ҳар бир олим ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таъриф берган. Ҳали бу

тушунчага тўлиқ ва ягона таъриф қабул қилинмаган. Ушбу таърифларнинг ичида энг мақсадга мувофиғи ЮНЕСКО томонидан берилган таъриф саналади.

Педагогик технология – ўқитиш шаклларини оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида инсон салоҳияти ва техник ресурсларни қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Бу ерда инсон салоҳияти дейилганда ўқитувчининг педагогик ва ўқувчиларнинг билиш фаолияти, техник ресурслар деганда ўқитиш методлари ва воситалари назарда тутилмоқда.

Географияни ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини ошришга имкон берадиган технологияларни гуруҳлаштиришда дастлаб қуйидагиларга асосий эътиборимизни қаратишимиз лозим:

1.Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари.

2.Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг турлари.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва ўқитиш самарадорлигини ошириш масаласи Географияни ўқитиш методикаси фанининг асосий муаммоларидан бири саналади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш деганда, ўқувчиларда юқори даражадаги мотив, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга бўлган онгли эҳтиёж, натижанинг юқорилиги ва ижтимоий нормаларга мос ҳулқнинг пайдо бўлиши тушунилади.

Мазкур типдаги фаоллик ҳар доим ҳам вужудга келавермайди, фақат ўқитувчининг мақсадга мувофиқ педагогик таъсир кўрсатиши ва қулай педагогик-психологик муҳитни ташкил этиш маҳорати туфайлигина вужудга келади.

Географияни ўқитишда мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш ва қулай ижтимоий-психологик муҳитни вужудга келтириши ўқитувчи томонидан қўлланилган педагогик технологияларга боғлиқ бўлади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаолллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан биргаликда, таълим жараёнида таълим берувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи, ижодий фаолиятга йўлловчи, коммуникатив, мантиқий фикрлаш, ақлий фаолият усулларини шакллантириш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, касбга йўллаш, мўлжални тўғри олишга ўргатиш, ҳамкорликни вужудга келтириш каби функтсияларни бажаради.

Бироқ, педагогик технологияларнинг функтсияларини таққослаганда бу функтсиялар бир хил даражада ўрин эгалламаслиги маълум бўлди.

## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ДИДАКТИК ФУНКТСИЯЛАРИ

| Педагогик техноло-гияларнинг функтсиялари | Дидак тик ўйинли | Муаммо ли таълим | Модулли таъл им | Ҳамкор ликда ўқитиш | Лойи-ҳалаш |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. Таълим берувчи | 1 | 5 | 1 | 3 | 7 |
| 2. Ривожлантирувчи | 2 | 4 | 2 | 4 | 8 |
| 3. Тарбияловчи | 3 | 6 | 3 | 5 | 9 |
| 4. Ижодий фаолиятга йўлловчи | 8 | 3 | 6 | 6 | 1 |
| 5.Коммуникатив | 4 | 9 | 4 | 7 | 4 |
| 6. Мантиқий фикрлашни ривожлантириш | 6 | 2 | 7 | 8 | 3 |
| 7. Ақлий фаолият усул-ларини шакллантириш | 7 | 1 | 8 | 9 | 2 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 8.Ўз фаолиятини таҳлил<br>ва назорат қилиш<br>9. Касбга йўллаш<br>10. Мўлжални тўғри<br>олишга ўргатиш<br>11.Ҳамкорликни вужудга<br>келтириш | 10<br>11<br><br>5<br>9 | 7<br>10<br><br>8<br>11 | 10<br>11<br><br>9<br>5 | 10<br>11<br><br>2<br>1 | 11<br>6<br><br>5<br>10 |

География ўқитувчиси дарсда ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва риовжлантирувчи мақсадлари ва педагогик технологияларнинг дидактик функтсияларини ҳисобга олган ҳолда қайси технологиядан фойдаланишини илмий-методик асосда танлагандагина кўзланган мақсадга ва самарадорликка эришади.

Таълим-тарбия жараёнига қўйилган буюртмаларни бажариш учун аввало таълим жараёнини дифферентсиаллаштириш ва индивидуаллашти-риш, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш, таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашувни талаб этади.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаш-тириш технологияси ўзида фалсафа, психология ва педагогиканинг инсон-парварлик ғояларини мужассамлаштиради. Ушбу технология диққат мар-казида ўз имкониятларини максимал даражада амалиётга қўллайдиган, ижодий ва ижтимоий фаол, турли ҳаётий вазиятларни англаб таҳлил қила-диган, мўлжални онгли равишда мустақил, тўғри оладиган шахсни шакллантириш ғояси туради.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш технологияси орқали педагогик жараёнда ҳамкорлик, ғамхўрликнинг вужудга келиши, ўқувчилар шахсини ҳурмат қилиш ва эъзозлаш орқали шахснинг таҳсил олиши, ижод қилиш ва ўз - ўзини ривожлантиришига қулай ижтимоий ва психологик муҳит яратилади. Мазкур

жараёнда ўқувчи ўз ўқув фаолиятининг субъекти саналади ва ўқитувчи билан ягона таълим жараёнининг иккита субъекти ҳамкорликда ўқув-тарбиявий вазифаларни ҳал этади.

Педагогнинг ўқувчи шахсига бўлган инсонпарварлаштирилган муносабати болаларни севиш, уларнинг тақдири учун қайғуриши, болаларга бўлган ишончнинг юқорилиги, ўзаро ҳамкорликнинг вужудга келиши, мулоқот маданиятининг юқори даражада бўлиши, ўқувчиларни тўғридан-тўғри мажбурлашдан воз кечиш ва аксинча ижобий рағбатлантиришнинг устунлиги туфайли таълим жараёнидан кўзланган мақсадга эришиш, болалар фаолиятида учрайдиган камчиликларга чидамли бўлиш, уларни бартараф этишнинг энг самарали йўлларини қўллашда намоён бўлади.

Таълим-тарбия жараёнини демократизатсиялаш ўқитувчи ўқувчиларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тенглаштириш, ўқувчиларга танлаш ҳуқуқининг берилиши, ўз фикри ва нуқтаи назарини эркин баён этиш, улар бу борада хатога йўл қўйиши мумкинлиги, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва болалар ҳуқуқлари Конвентсиясига амал қилинишини тақозо этади.

Демократизатсиялаш таълим тизимидаги формализм, бюрократизмни йўқотиб педагогик ҳамкорликни юзага келтиради.

Ҳамкорлик – ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш, уларни маънавий, ахлоқий, интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш, бу жараённи бир-бирига уйғунлаштириш, фаолиятнинг натижаси ва боришини ҳамжиҳатликда таҳлил қилиш имконини беради.

Демократлаштирилган жараённи инсонпарварлаштириш ўқув-тарбиявий жараёнининг мақсадини амалга ошириш, таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, ўқув меҳнатининг характери ва мазмунини ўзгартиради ва шахснинг уйғунликда ривожланишига қулай психологик муҳит яратади.

**Назорат учун саволлар**

1. Педагогик технологияларнинг анъанавий таълим технологиясидан фарқи нимада?
2. Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш технологиясининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
3. Таълим-тарбия жараёнини демократлаштириш технологиясининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
4. География таълимида ўқувчи шахсига инсонпарварлаштирилган ёндашувнинг хусусиятларини белгиланг.
5. Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришда ўқитувчи эътиборини нималарга қаратиши зарур?
6. Ўқувчиларга тафовутлаб ёндашишининг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
7. Ўқувчиларга тиндивидуал ёндашишининг ўзига хос хусусиятларини айтинг.

## 4-мавзу: ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ВА ДАРСДАН ТАШҚАРИ ИШЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛАРИ

**РЕЖА:**

1. Ўқитишнинг техник воситалари ҳақида тушунча
2. География дарсларида замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш.
3. Дарсдан ташқари ишларда замонавий таълим воситаларидан фойдаланиш.

***ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:техник восита, таълим воситалари, электрон харита, телевидения, статик проексия, электрон дарслик, видеофилм.***

Фан ва техниканинг ривожланиши билан мактаб географиясининг олдига қўйиладиган талаблар ҳам ортиб боради. Мазкур талабларни бажариш учун ўқитиш шакллари ва методларини такомиллаштириш лозим бўлади. Бу эса ўқувчилар билиш фаолиятини жадаллаштиради, уларни фикрлашга ва илмий мушохада қилишга ундайди ҳамда ўрганаётган географик воқеа ва ходисалар билан ҳаёт ўртасидаги алоқаларни тушунишга ёрдам беради. Янги ўқув воситаларини қўллаш ўқувчиларни дунёқарашини шакллантиришга, шахс сифатида ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўқитишнинг техник воситалари ўқитувчи ёрдамида қўйилган мақсадга эришишга, ўтказилаётган машғулотларни самарадорлигини кескин оширишга имкон беради.

Техник воситаларни қўллашни қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- қизиқарлилиги, ўқувчилар биринчидан техника воситаларини ўзига қизиқса, иккинчи томондан уни ишлатишга ва унда кўрсатилган маълумотларга қизиқишади;
- воқеаларни тез ривожланиши ва аниқ кўрсатилиши ўқув материалларини тез ўзлаштиришга ёрдам беради. Масалан, табиий географик жараёнларни содир бўлиши, текислик ва тоғ рельефининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, тропик ўрмонларнинг шароити, ишлаб чиқариш жараёни ва ҳ.к.
- техник воситалар орқали мураккаб ўқув материалини осон тушунтириш мумкин. Масалан, ҳаво массаларини вужудга келиши, имкони ва антитциклонларни шаклланиши, торнадо, тсунами ва бошқа табиий географик жараёнларни ҳосил бўлиши ва уларнинг оқибатлари;
- ўқувчилар қабул қилиши мураккаб бўлган географик обьектларни техник воситалар орқали осонгина бажариш мумкин. Масалан, темир йўл пароми, денгиздаги нефт қазиб оладиган мосламалар ва ҳ.к.

Ўқитишнинг техник воситаларини қўллашда қуйидаги қоидаларга амал қилиниши лозим:

- техник воситаларда кўрсатиладиган географик воқеа ва ҳодисалар дарс мавзусига мос бўлиши лозим;

- техник воситаларни қўллаш олдидан унинг ишлаш тамоили, мазкур дарсда нима кўрсатилиши ҳақида ўқитувчи ахборот бермоғи лозим;
- ўқитишни техник воситалари аввалдан ишга тайёрлаб қўйилиши лозим. Уни дарс жараёнида созлаш ўқув соатини анча қисмини олиб қўйиши мумкин;
- техник воситалар орқали маълум бир мавзуни ўрганишда уни алоҳида қисмларга бўлиш лозим;
- ҳар бир қисмда кўзда тутилган материал тугаллангандан сўнг ўқитувчи изоҳ бериши, намоиш қилинган географик воқеа ва ҳодисаларни ўқувчилар қандай қабул қилганини текшириб кўриши мумкин. Кўзда тутилган материаллар намойиш қилиб бўлингандан сўнг ўқитувчи дарсни якунлаши лозим;
- намоиш этилган материал аниқ ва равшан кўриниши лозим.

География дарсларида фойдаланиладиган ўқитишнинг техник воситаларини қуйидаги гуруҳга бўлишимиз мумкин:
- ўқитишни аудиовизуал воситалари;
- ўқитишда видеотехника воситаларидан фойдаланиш;
- ўқитишда ахборот воситаларидан фойдаланиш.

Ўқитишни аудиовизуал воситаларига ўқув киноси, телеешиттиришлар, диафильмлар, диопозитивлар, транспарантлар киради.

Видео техника воситаларига турли хил видеомагнитафонлар киради. Ўқитишни ахборот воситаларига компиютерлар, интернет имкониятлари, масофавий ўқитиш воситалари киради.

Ўқитувчи ўқув йилини бошида техника воситалардан фойдаланиш режасини тузмоғи лозим.

Мазкур режа асосида техника воситалари ҳафта бошида тайёрлаб қўйилмоғи зарур.

**Таълим воситалари** - ўқув материалини кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

***Таълим воситалари:***

1. Таълим беришнинг техник воситалари (ТТВ);

2. Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ);

3. Ўқув - услубий материаллар (ЎУМ).

**Таълимнинг техник воситалари (ТТВ) -** ўқув материалини кўргазмали намойиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; ўқувчи ва талабаларга ўқув материалини тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради.Буларга диапроектор, флипчат, видеофилъм, компютер, электрон доска ва ҳ.к.

**Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ)** – графиклар, чизмалар,диаграмма, схема, намуналар ва ҳ.к. бошқ.

**Ўқув - услубий материаллар (ЎУМ) -** ўқув материаллар**,** ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар ўқувчи ва талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар.

Ўқувчи ва талабаларни ўқув - билиш фаолиятларини жадаллаштиришга ёрдам берувчи ҳар турдаги *таълим воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш қуйидагиларга боғлиқ*: 1) мақсадни белгилаш; 2) асосий билим манбаига; 3) таълим усулига; 4) ўқув материалининг янгилиги ва мураккаблигига; 5) ўқувчи ва талабаларни ўқув имкониятларига.

Кинофилмлардан география дарсларида фойдаланиш дарс мавзуси, дарс тури, бошқа ҳолат ва шароитларга қараб турлича бўлиши мумкин.

Дарс жараёнида кинофилмлардан тўла фойдаланиш мумкин, унинг бўлимларидан ва қисм ёки лавҳаларидан фойдаланиш мумкин. Кинофилмни намоиш қилишни дарснинг турли хил босқичларида амалга ошириш мумкин. Айрим кинофилмлардан тўла, айримларидан қисман фойдаланиш мумкин.

Кинофилмлар дарс жараёнида фойдаланишга кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- махсус ўқув мақсадларида чиқарилган филмлар;
- илмий- оммабоп кинофилмлар;
- табиат компонентларининг айрим қисмларига бағишланган филмлар (тоғлар,ўрмонлар, дарёлар, кўллар, ҳайвонот дунёси ва ҳ. к.)
- бадиий филмлар;

-видеофилмлар.

Махсус ўқувфилмлари аниқ бир мавзуга бағишланган бўлади. Масалан, тоғлар, Саҳрои Кабир чўли, Тундра, ўрмонлар ва ҳ.к.

Илмий-оммабоп кинофилмлар асосан кенг ҳалқ оммасига мўжаллаб чиқарилади. Дарс жараёнида унинг айрим қисмларидан фойдаланиш мумкин.

Табиат компонентларини айрим қисмларига бағишланган кинофилмлардан ҳам дарс жараёнида фойдаланиш мумкин. Масалан, ҳайвонларни айрим турларига, океан мавжудотларига, аҳолига ва унинг турмуш тарзига бағишланган филмлар.

Бадиий филмларни ҳам айрим дарс мавзусига оид қисмларидан фойдаланиш мумкин. Бундай филмлар тоифасига саргузашт филмлар кўпроқ киради. Унда тасвирланган табиат манзаралари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан дарс жараёнида фойдаланиш мумкин.

Турли хил видеофилмлардан ҳам мавзуга мос жойларидан фойдаланиш мумкин.

Юқорида айтилганидек кинофилмлардан дарснинг бошида, яъни ўтилган дарсларни такрорлашда, янги мавзуни ўтишда, олинган билимларни мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин.

Такрорлаш дарсларида мавзу бўйича кинофилм ёки унинг бир қисми намойиш қилинади ва ўқувчилардан унга изоҳ бериш ёки уни тушунтириб бериш талаб қилинади.

Янги мавзуни ўрганишда мавзуга оид кинофилм тўла кўрсатилади. Бунда филмга ўқитувчи изоҳ беради.

Ўтилган мавзуни мустаҳкамлашда ҳам кинофилмлардан фойдаланиш мумкин. Бунда кинофилм намойиш қилинади ва унинг мазмуни ўқувчилардан сўралади.

Айрим холларда кинофилмлар дарсни кириш қисми сифатида кўрсатилади.

Филмни дарс жараёнидаги ўрни дарснинг мақсади, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари билан аниқланади. Ўқув филмларидан билим олиш манбаи

сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Ундан мустақил ишларни бажариш бўйича ўқув қўлланма сифатида ҳам фойдаланса бўлади. Масалан, берилган саволларга жавоб топиш, намойиш қилинаётган материалларни мавжуд (бор) материал билан, дарслик билан, ўқитувчини маърузаси, қатор бошқа филмларни мазмуни билан солиштириш. Филмлар ўқувчилар билимини текширишда ва ўрганилган мавзу мазмунини ўзлаштириш даражасини аниқлашда, ўтилган материалларни умумлаштиришда ёки маълум мавзуни умумий тавсифини ўтишда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари филмлар ёрдамида синф шароитида саёҳатлар ҳам уюштириш мумкин ёки бўлмаса ўқувчилар бевосита кўролмайдиган жараёнларни кўрсатиш мумкин. Масалан, “Қора металлургия”, “Синтетик толалар”, “Тропик ўрмонлар”, “Чўллар”, “Даштлар”.

Дарс жараёнида филмлар билан ишлаш методикаси қуйидаги қисмлардан иборат: а) ўқувчиларни маълум бир мавзу бўйича кинофилмни кўришга тайёрлаш; б) ўқувчиларни филмни кўриш жараёнидаги ишларини ташкил қилиш; в) кўрилган филм мазмунини мустаҳкамлаш; г) кинолаштирилган дарсни самарадорлигини текшириш.

Ўқувчиларни дарс олдидан аниқ филмни кўришга тайёрлаш филм мазмунини фаол тушунишга ва уни тўла ўзлаштиришга имкон беради. Филмни ўқувчилар ўқитувчи кузатувида кўришади. Агар филмни кўриш жараёнида назорат бўлмаса ўқувчилар филмга диққат беришмайди ва бошқа нарса билан шуғуллана бошлайдилар ёки бир-бири билан гаплашиб ўтиришади. Натижада филм мазмуни юзаки ўзлаштирилади.

Агар филм қизиқарли бўлса ўқувчилар уни қизиқиб диққат билан томоша қилишади. Аммо уларни фаолияти шунда ҳам назорат қилинса филмни мазмунини таҳлил қила олишмайди. Шунинг учун филм бошланишидан олдин ўқитувчи филмни мақсадини, унда нималар тасвирланганини, қандай саволларга қўувчилар жавоб топишини кириш суҳбатида тушунтиради. Бундан ташқари ўқитувчи кириш суҳбатида филмни қаерларига эътибор беришни, қаерларини алоҳида ажратиб таҳлил қилинишини тушунтради.

Масалан, Ўзбекистон табиий географияси курсида “Қизилқум” мавзусини ўтишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- асосий релйеф шаклларига;
- ўсимлик билан қопланиш даражасига;
- ҳайвонот дунёсига.

Филмни кўриш жараёнида ўқувчилар қўйидаги саволларга жавоб беришлари лозим: “Бархан нима”, “Қум тепаликлари” нима; чўлда асосий транспорт вазифасини бажарувчи ҳайвонни аниқланг.

География таълимида ўқув кинофилмларини яна бир асосий шартларидан бири ўқитувчини филм намойишида фаол иштирок этишидир. Энг яхши ва қизиқарли филм бўлган тақдирда ҳам ўқитувчи дарсни бошқариши шарт ҳисобланади. Филм намойиши жараёнида ўқитувчи кўрсатилаётган кинолавҳаларга изоҳ бериб бориш лозим. Керакли жойларда филм намоишини тўхтатиб билимларни чуқурлаштириши мумкин. Айрим назарий қонун қоидаларни кенгроқ тушунтириб бериши, сўнгра филм намойишини давом эттириши мумкин.

Филмни кўриш давомида ўқитувчини изохлари ўқувчиларга халақит бермаслиги лозим. Шунинг учун фақат керакли жойларидагина изох бериш лозим. Агар кинофилмда методик хатолар бўлса ўқитувчи уни тўғрилаб кетиши лозим. Маълум бир воқеа ходисаларни мохиятини ўқувчилар яхшириоқ тушуниб олишлари учун филмни намойишини бироз тўхтатиб туриш мумкин.

Статистик проектсия воситаларига диафилмлар, диапозитивлар, кодоскоплар киради. Улардан дарс жараёнида фойдаланиш ўқувчиларни бевосита билимларни қабул қилишини кучайтиради, тасаввурларни шаклланишига имкон беради, географик воқеа ва ҳодисалар орасидаги алоқа ва қонунятларни чуқур тушинишга имкон беради.

Мактаб географиясининг деярли барча мавзулари айниқса табиий география предметларида диафилм ёки диапозитивларда акс этган.

Диафилмларни юқори даражадаги кўргазмалилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- дарсликнинг мавзуларига мос келиши;
- хужжат (далил) асосида эканлиги (фоторасмлар, чизмалари ва бошқалар);
- тасвирни аниқлиги ва ёрқинлиги;
- кўрсатилаётган географик воқеа ва ҳодисаларни керакли ўлчамда каттайтириш ёки кичрайтириш имконини мавжудлиги;
- тасвирни қанча вақт керак бўлса шунча намойиш қилиш имкони борлиги.

География таълими соҳасида ишлаб чиқарилган диафилмлар ва диапозитивлар кўпинча рангли қилиб чиқарилади, бу эса ўқувчиларни билим фаолиятини жадаллаштиради.

Умумтаълим мактабларини ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ахборотлаштириш замонавий таълимнинг барча сохаларини энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда билим олишни ахборотлаштириш ва ахборот воситаларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича жуда кўп ишлар амалга оширилган.

Умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш мураккаб масалалардан бўлиб ҳисобланади. Чунки ахборот воситаларини такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш бўйича мунтазам илмий-тадқиқот ва тажриба -синов ишлари олиб борилади. Бунинг натижасида ахборот воситларини янги моделлари вужудга келади. Шунинг учун ўқув муассаларини ахборотлаштириш учун доимо ахборот воситаларини янгилаб туриш лозим.

География фани ва география таълимида ахборот технологияларидан кенг қўлланилмоқда. Географмия таълимида ахборот технологиялардан фойдаланишни қуйидаги шарт-шароитларини таъкидлаб ўтиш лозим:

- география ўқитувчиси ахборот технологиялардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши шарт;
- мактаб ўқувчилари компютерлардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши шарт;
- мактабда компютерлар синфи бўлиши шарт.

География таълимида ахборот технологияларни қўллаш қуйидаги сохаларда олиб борилмоқда: электрон дарсликлардан фойдаланиш; электорон хариталардан фойдаланиш; интернет имкониятларидан фойдаланиш; видеофилмлардан фойдаланиш; масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш.

Ҳозирги даврда жуда кўп дарсликларнинг электрон версиялари яратилмоқда. Шу муносабат билан ўқувчилар берилган мавзуни электрон дарсликдан топиб уни ўқитувчи ёрдамида ёки мустақил ўрганиши мумкин. Дарсни ўқитувчи бошқариб туриш мумкин. Бунда ўқитувчи матнни ўрганишда изохлар бериб боради. Матндаги чизмалар, расмлар, хариталар, жадваллар алохида тушунтирилади. Дарсни охирида ўқитувчи компютер орқали ўқувчиларга саволлар бериши мумкин. Ўқувчилар эса компютер орқали жавоб беришади. Уларнинг берган жавоблари ўқитувчи томонидан баҳоланади.

География таълимида хариталар асосий ўқув воситаталаридан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун хариталар билан мустақил иш бажараётганида электрон хариталардан фойдаланиш мумкин. Электрон хариталар орқали қуйидаги ишларни бажариши мумкин:

- электрон харита орқали табиий географик ва иқтисодий географик тавсифлар тузиш. Масалан, иқлим хариталаридан фойдаланиб маълум бир материк ёки ҳудуд иқлими тавсифини тузиш ёки бўлмаса иқтисодий географик хариталардан фойдаланиб айрим мамлакатлар ёки ҳудудларга иқтисодий таъриф бериш ва ҳ.к;

- интернет имкониятларидан фойдаланиб географиянинг турли сохалари бўйича янги-янги маълумотлар олиш мумкин. Масалан, кундалик иқлим ҳақида, мамлакатлар ҳақида, аҳоли ҳақида, хўжалиги ва геосиёсий шароит ҳақида ва ҳ.к;

- география таълимида видеофилмлар жуда катта ахамияитга эга. видио филмлардан қуйидаги сохалар бўйича фойдаланиш мумкин: а) бошланғич табиий география курсида; б) материклар ва океанлар табиий географияси

курсида; в) Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географиясини ўрганишда; г) Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияни ўрганишда; д) жахон иқтисодий ва ижтимоий географияси курсини ўрганишда; е) факультатив машғулотларда; ж) географик тўгаракларда ва ҳ.к.;

- масофавий ўқитиш география таълимида энди ривожланиб келмоқда. Масофавий ўқитиш усулидан малака ошириш курсларида кенг фойдаланиш мумкин.

**Масофали таълим.** Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти бой чет эл ва миллий тажрибалар тадқиқотлар йўналишлари умуман долзарблигини тасдиқлайди. Янги педагогик ахборот ва телекоммуникация технологиялардан фойдаланишга асосланган таълим олиш методидан бири ҳисобланган масофали таълим моҳиятини тушунишга бизни яқинлаштиради. Таълимнинг синтетик интеграл ва гуманистик шакли ҳисобланувчи масофали ўқитишнинг айнан назарий ва амалий масалалари таълимни ислоҳ қилиш шароитларида миллий таълим тизими олдида турган муаммолар катта қисмини ҳал этиши керак. Чет эл таълим тизимларида масофали ўқитишнинг ташкил топиши ва ривожланиши жараёнини ўрганишда таълим муассаларида масофали ўқитишни амалий ташкил қилиш турли шакллари ва вариантларини ҳамда масофали таълимни дидактик таъминлаш воситаларини таҳлил қилишга эътиборни қаратиш зарур.

Масофали таълим - масофада туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситаларига асосланувчи махсус ахборот таълим муҳити ёрдамида таълим хизматлари тўпламидан иборат. Масофали таълим ахборот - таълим муҳити фойдаланувчилар таълим олиш эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган маълумотлар узатиш воситалари ахборот ресурслари ўзаро алоқалар протоколлари аппарат - дастурли ва ташкилий-методик таъминотлар системали - ташкилий тўпламидан иборат. Масофали таълим - ўқитувчиларга ўрганилаётган материал асосий ҳажмини етказиб беришни ўқитиш жараёнида ўқитувчилар ва талабларнинг интерактив ўзаро алоқаларини, талабаларга ўрганилаётган материални мустақил ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш

имконини беришни ҳамда ўқиш жараёнида уларнинг олган билимларини ва кўникмаларини баҳолашни таъминловчи ахборот технологиялари тўплами.

# IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

## 1-Амалий машғулот: ГЕОГРАФИЯНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ

***Амалий машғулот режаси:***

1. География дарсларида оъқувчиларни тоълақонли оъқув-билиш жараёнининг субйектига айлантириш.
2. Субйек-субйект муносабатларининг оъзига хос хусусиятлари.
3. Оъқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шакллари.

**1-амалий топшириқ: География дарсларида талабаларни тўлақонли ўқув-билув жараёнининг субъектига айлантириш схемасини тузинг.**

**2-амалий топшириқ: Субъект-субъект муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини VENN диограммасида изоҳланг.**







**3-амалий топшириқ: Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шакллари жадвалини тузинг ва изоҳ беринг.**

| № | Шакллари | Изоҳ |
|---|---|---|
| 1. | | |
| 2. | | |
| 3. | | |
| 4. | | |
| 5. | | |
| 6. | | |
| 7. | | |
| 8. | | |

**4-амалий топшириқ: Қуйидаги жадвалларни тўлдиринг ва изоҳ беринг.**

Педагогик муносабатлар типининг оъзига хос хусусиятларини таҳлил қилинг ва педагогик муносабатлар типининг оъзига хос хусусиятлари номли қуйидаги жадвални тоълдиринг

| **т/р** | **Педагогик муносабатлар** | **Оъқитувчи фаолияти** | **Оъқувчилар фаолияти** |
|---|---|---|---|
| 1 | Субйект-обйект муносабатларида | | |
| 2 | Субйект-субйект муносабатларида | | |

Билиш фаолиятини ташкил этиш шаклларини таҳлил қилинг ва оъқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шакллари номли 2-жадвални тоълдиринг

| **т/р** | **Билиш фаолиятини ташкил этиш шакллари** | **Оъқитувчи фаолияти** | **Оъқувчи фаолияти** |
|---|---|---|---|
| 1 | Ялпи оммавий оъқитиш | | |
| 2 | Индивидуал оъқитиш | | |
| 3 | Кичик гуруҳларда оъқитиш | | |

| ***ТУШУНЧАЛАР тахлили*** | | | |
|---|---|---|---|
| ***т/р*** | ***тушунча*** | ***Мазмун моҳияти*** | ***Қўшимча фикрингиз*** |
| *1* | *Билиш* | | |
| *2* | *Билим* | | |
| *3* | *Шахс* | | |
| *4* | *Бошқарув* | | |
| *5* | *Субъект* | | |
| *6* | *Ўқув-билув жараёни* | | |

## 2-Амалий машғулот

## МАВЗУ: ИННОВАТСИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

***Амалий машғулот режаси:***

1. Педагогик технологиялар тўғрисида тушунча.

2. Педагогик технологияларнинг шаклланиш босқичлари.
**3.** Ўзбекистонда педагогик технологияларнинг ривожланиши

***1-амалий машғулот:*** **Педагогик технологияларнинг асосчилари ҳақида кластер тузинг?**




**2-амалий топшириқ: Қуйидаги атамаларга глоссарий тузинг.**

| № | Педагогик атамалар | Таърифи | Қўлланилиши |
|---|---|---|---|
| 1 | Методология | | |
| 2 | Таълим | | |
| 3 | Таълим усуллари | | |
| 4 | Таълим услублари | | |
| 5 | Таълим технологияси | | |
| 6 | Тарбия | | |
| 7 | Билим | | |
| 8 | Ўқув машғулоти | | |
| 9 | Ўқув жараёни | | |
| 10 | Ўқув предмети | | |

**3-амалий топшириқ:ДТС ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини Б.Б.Б. жадвали асосида таҳлил қилинг**

| № | Биламан | Билишни ҳоҳлайман | Билиб олдим |
|---|---|---|---|
| 1 | | | |
| 2 | | | |
| 3 | | | |
| 4 | | | |

**4-амалий топшириқ: Педагогик технологияларнинг асосчилари ҳақидаги жадвални таҳлил қилинг**

| Педагог олимлар | ПТга берилган таърифлар |
|---|---|
| В.П. Беспалко: | "ПТ - ………." |
| В.М.Монахов: | "ПТ - ………." |
| В.М. Кларин: | "ПТ - ………." |
| Н.Сайидаҳмедов ва М. Очиловлар | "ПТ - ………." |
| И.Й. Ларнер: | "ПТ –бу ………." |
| Б.Л. Фарберман: | "ПТ -бу ………." |
| ЮНЕСКО тамонидан берилган | "ПТ - бу………." |

**3-Амалий машғулот**

**МАВЗУ: ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМ КЎНИМАЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ.**

***Амалий машғулот режаси:***

4. Ўқувчиларни билимини назорат қилиш.
5. Баҳолаш низоми, усуллари, тартиби
6. Эгалланган БКМларни таҳлил қилиш

**1-амалий машғулот: Қуйидаги саволларга жавоб ёзинг.**

1. Билим нима? Билимлар қандай турларга бўлинади?
2. Тушунча нима ва унинг турлари?
3. Қонуният нима?
4. Кўникма қандай ҳосил бўлади?
5. Малака қайси жиҳати билан кўникма ва билимдан фарқ қилади?
6. Баҳолаш мезони нима?
7. Баҳолашнинг кредит-модул тизими ҳақида нима биласиз?
9. Кредит-модул тизимининг қандай афзалликлари бор?

**2-амалий топшириқ: Б.Б.Б. жадвали (биламан, билишни хоҳлайман, билдим) тўлдиринг**

| **№** | **Мавзу саволи** | **Биламан** | **Билишни хоҳлайман** | **Билдим** |
|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** |
| 1 | Билим нима? | | | |
| 2 | Коъникма | | | |
| 3 | Малака | | | |
| 4 | Д.Т.С талаблари | | | |
| 5 | Дастур | | | |
| 6 | Назария | | | |
| 7 | Қонуният | | | |
| 8 | Тасаввур | | | |

**3-амалий топшириқ: Тушунчалар тахлили жадвалини тўлдиринг.**

| ***ТУШУНЧАЛАР тахлили*** | | | |
|---|---|---|---|
| ***№*** | ***тушунча*** | ***Мазмун моҳияти*** | ***Қўшимча фикрингиз*** |
| *1* | *Методика* | | |
| *2* | *Билим* | | |
| *3* | *Шахс* | | |
| *4* | *Бошқарув* | | |
| *5* | *Дидактика* | | |
| *6* | *Малака* | | |
| *7* | *Метод* | | |
| *8* | *Кўникма* | | |
| *9* | *Компетенция* | | |

**4-амалий топшириқ: Қуйидаги амалий топшириқлани бажаринг**

1. Ўқувчиларни ўтилган мавзу бўйича эгаллаган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилиши мумкин бўлган 10 тадан стандарт ва ностандарт тест тузинг**.** **(***електрон шаклда***)**
2. Бирор мавзу бўйича тушунчалар юзасидан БББ жадвали ва “тушунчалар” тахлил усулидан фойдаланиб, топшириқ тузинг. (*електрон шаклда*).
3. Ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш фанидан эгаллаган билимларингизга таяниб, бирор технология қўлланиладиган дарс ишланмаси тузинг ҳамда баҳолаш мезонини шундай аниқ ифодаловчи жадвал ўйлаб топингки, унда хар бир *билим, малака, кўникма*лар яққол ифодалансин.

4. . Кредит-модул тизимини бирор фан мисолида ифодаланг. *(дастурлар ёрдамида)*

**Назорат учун саволлар:**

1. Билим нима?
2. Билимлар қандай турларга боълинади?
3. Тушунча нима ва унинг турлари?
4. Қонуният нима?
5. Коъникма нима? У қандай ҳосил боълади?
6. Малака нима? Қайси жиҳати билан коъникма ва билимдан фарқ қилади?

## 4-Амалий машғулот

### МАВЗУ: ГЕОГРАФИЯ ТА'ЛИМИ МЕТОДЛАРИ, МАШҒУЛОТ МАЗМУНИГА КЎРА ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИНИ ТАНЛАШНИ ЎРГАНИШ

**Амалий машғулот режаси:**

1. Таълим методлар ва уларга хос хусусиятлар.
2. География дарсларида интерфаол методлардан фойдаланишнинг аҳамияти.
3. Интерфаол методларнинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

***1-амалий топшириқ: Қуйидаги саволларни***

1. Коммуникатив таъсир кўрсатиш деганда нимани тушунасиз?
2. Дарс методларини танлаш деганда нимани тушунасиз?
3. Дарс мақсадларини аниқланг ва уларга таъриф беринг.
4. Таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион методлар
5. Дарс жараёнида қўлланиладиган инновацион воситалар
6. “Тренинг” тушунчасига таъриф беринг ва мисоллар келтиринг.

**2-амалий топшириқ: География таълимида қўлланиладиган методлар тўғрисида кластер тузинг.**




**3-амалий топшириқ:** ***Тушунчалар тахлили жадвалидаги маълумотларга изоҳ беринг ва мисоллар келтиринг.***

***“Тушунчалар тахлили”***

| **т/р** | **Тушунчалар** | **Моҳияти ва мазмуни** | **мисол** |
|---|---|---|---|
| 1 | Технология | | |
| 2 | Таълим технологияси | | |
| 3 | Таълим методи | | |
| 4 | Таълим методикаси | | |
| 5 | Педагогик технология | | |
| 6 | Дидактик тамойиллар | | |

***Новатсия ва инновациялар ўртасидаги асосий фарқлар***

| Асосий фарқлар | |
|---|---|
| Новатсия | Инновация |
| | |

**4-амалий топшириқ: Дарснинг қандай элементлари мавжудлиги ҳақида жадвални тўлдиринг.**

| Дарснинг қандай элементлари мавжуд? | |
|---|---|
| **1**<br>**2**<br>**3**<br>**4**<br>**5**<br>**6** | **Изоҳ** |

**5-Амалий машғулот**

## МАВЗУ: ДАРС ТИПЛАРИ, ДАРС ИШЛАНМАСИНИ ТУЗИШНИ ЎРГАНИШ

***Амалий машғулот режаси:***

***1. Дарс типлари ва дарс ишланмаси ҳақида.***

***2. Дарс ишланмасини тузишни ўрганиш.***

***3. Дарс ишланмасини тузишда инновацион методлардан фойдаланиш***

***1-амалий топшириқ: Қуйидаги саволларга ўз фикрингизни билдиринг.***

1. Дидактик мақсадни асос қилиб дарсларни қай тарзда классификациялаш юқори самара беради?

**2.** Кириш дарси ва унинг амалий аҳамияти?

**3.** Янги билимларни ўрганиш дарсини тушунтиринг.

**4.** Аралаш дарс нима?

**5.** Кўникма, малакаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш дарси қачон ва қайси пайтларда қўлланилади?

**6.** Такрорлаш дарсини тушунтиринг

**7.** Кундалик ҳар доим қўлланиладиган дарс типи? Унинг афзалликлари.

**8.** Дарсга қандай талаблар қўйилади?

**9.** Дарснинг илмий мақсад нима?

**2-амалий топшириқ: Ушбу топшириқни электрон шаклда бажаринг.**

| Дарс типи | Афзалликлари | Камчиликлари |
|---|---|---|
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

**3-амалий топшириқ: Мутахассислигингизга оид қуйидаги дарс турларига инновацион методлардан фойдаланиб дарс ишланмаси яратинг.**

1- **Кириш дарс**ига мисол тариқасида дарс ишланма тузинг.

2- **Аралаш дарс** типига мисол тариқасида дарс ишланма тузинг

3- **Кўникма, малакаларни ривожлантириш** ва **мустаҳкамлаш** дарсига дарс ишланма тузинг

4-**Такрорлаш дарси** типига бир ишланмасини тузинг.

**4-амалий топшириқ:** **ФСМУ** «Касбий фаолиятингизда инновацияларни яратиш, қўллаш ва тадбиқ этишга тайёрмисиз?»

| | |
|---|---|
| **ФИКР** ингизни баён этинг: | **…** |

| | |
|---|---|
| Фикрингизнинг баёнига **САБАБ** кўрсатинг: | **…** |
| Фикрингиз исботлашга **МИСОЛ** келтиринг: | **…** |
| Умумлаштиринг | **…** |

## 6-Амалий машғулот

**МАВЗУ: ДАРС ТАҲЛИЛИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

***1-амалий топшириқ: қуйидаги машғулотларни электрон шаклда тайёрланг***

1. Дарс таҳлилининг мақсад ва вазифалари?
2. Дарс таҳлилининг таҳминий тартибини тузинг.
3. Дарс таҳлили мезонларини аниқланг ҳамда жавобингизни изоҳланг.
4. Дарс таҳлилига қоъйиладиган талаблар?
5. Синов дарсини таҳлил қилиш бўйича бланка тайёрланг.

***2-амалий топшириқ: Дарсга қўйиладиган талаблар юзасидан тузилган саволларга жавоб беринг?***

**Кузатилган дарсни таҳлил қилиш учун саволлар:**

1. Сиз кузатган дарс қандай ташкил этилди?
2. Дарс жараёнида қандай метод ва усуллар қўлланди?
3. Синов дарсида қандай ютуқларга эришилди?
4. Дарс ўтган "ўқитувчи"да қандай камчиликларни қайд этдингиз?
5. Сизнингча дарсда яна қандай метод ва усулларни қўллаш мумкин?
6. Мавзуни ёритишда қайси кўргазмаларни тайёрлаш лозим эди?
7. Синов дарси ўтган ўртоғингиз ўз олдига қўйган мақсадига эришди деб ўйлайсизми?

**3-амалий топшири[illegible]истоннинг географик [illegible]ефи, геологияси, фойдали қазилмалари" мавзуларида дарс вазифалари нималардан иборатлигини кўриб чиқинг.**

| ЭГАЛЛАНАДИГАН | | | |
|---|---|---|---|
| № | БИЛИМЛАР | КЎНИКМАЛАР | МАЛАКА |
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |
| 5. | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 6. | | | |
| 7. | | | |

**7-Амалий машғулот**

## МАВЗУ: МУАММОЛИ ТАЪЛИМ МЕТОДИ БИЛАН АМАЛИЙ ТАНИШИШ

***Амалий машғулот режаси:***

1. Муаммоли таълим технологияларининг ўзига хос хусусиятлари
2. Муаммоли-изланиш характеридаги методлар ва ўзига хос хусусиятлари
3. Географияни ўқитишда муаммоли дарслардан фойдаланиш йўллари

***1-амалий топшириқ: Муаммоли дарс методлари ва уларнинг хусусиятлари жадвалини тўлдиринг***

| т/р | Методлар | Ўзига хос хусусиятлари | Нечанчи синфларда қўллаш мумкин? |
|---|---|---|---|
| 1 | Ақлий ҳужум | | |
| 2 | Илмий мунозарали дарслар | | |
| 3 | Мунозарали дарслар | | |
| 4. | ..... | | |
| 5. | ...... | | |
| 6. | | | |
| 7. | | | |
| 8. | | | |
| 9. | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 10. | | | |

**2-амалий топшириқ: Қуйидаги жадвалда келтирилган тушунчаларни изоҳланг ва ўз фикрингизни билдиринг**

| т/р | Тушунча | Мазмун-мохияти | Сизнинг фикрингиз |
|---|---|---|---|
| 1 | Муаммоли дарс | | |
| 2 | Муаммоли вазият | | |
| 3 | Муаммоли метод | | |
| 4 | Бахс-мунозара | | |
| 5 | Педагогик низо | | |
| 6 | СWOT-тахлил | | |

*3-амалий машғулот: Схемаларни тўлдиринг ва изоҳланг*









**4-амалий топшириқ: Муаммоли таълимнинг ютуқ ва камчиликлари.**

| ***Ютуқлари*** | ***Камчиликлари*** |
|---|---|
| | |

# V. КЕЙСЛАР БАНКИ

## Кейс №1

**Ўқув предмети:** «Аҳоли географияси ва демографияси».

**Мавзу**: «Дунё халқлари классификацияси. Аҳолининг миллий-этник таркиби».

**Таълимий мақсад**: Халқлар, дунё аҳолисининг миллий таркиби, уларнинг географик тарқалиши ва уларнинг гуруҳланиши тўғрисида талабаларга чуқурроқ билим бериш.

Талабалар ушбу кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун этник бирликлар, уларнинг шакллари, ўзига хос жиҳатлари борасидаги ***билимларга эга*** бўлишлари лозим.

**Режалаштириладиган ўқув натижалари**:

- мавзуга оид маълумотларни таҳлил этиш ва баҳолаш қобилиятини ривожлантириш;

- топшириқни бажариш жараёнида аҳолининг миллий таркиби тўғрисида умумий тушунчалар, илмий қарашлар билан танишиш ва уларни таҳлил қилиш бўйича малакаларини орттириш;

- мустақил тарзда қарор қабул қилиш малакаларини эгаллаш.

**Кейс топшириқ баёни:**

### Жаҳон аҳолисининг этник хусусиятлари

Ер шарида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишнинг турли босқичларида турган кўплаб этнослар тарқалган. Этнослар бир қатор умумий белгилари (тили ва яшайдиган ҳудудининг умумийлиги, маданияти ва маиший

ҳаётидаги яқинликлар, тарихидаги ўхшашликлар, баъзан битта давлатга мансублиги) мавжуд бўлган кишилар гуруҳидан шаклланади.

Фанда қабул қилинган этносларнинг уч босқичли таснифига мувофиқ, уларнинг энг қадимий типига ибтидоий жамоа тузумига мансуб бўлган қабилалар ва қабила гуруҳлари киради. Қулдорлик ва феодал формасиялари билан янги этнос типи - элатлар боғлиқ. Иқтисодий алоқаларнинг кучайиши туфайли юқори даражада ривожланишган этнос типи-миллат шаклланди.

Турли мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишидаги нотэнгликлар оқибатида ҳозирги пайтда сайёрамизда этносларнинг юқорида қайд этилган барча типлари учрайди. Бироқ, кўпинча у ёки бу халқни қандай этник типга мансублигини аниқлаш қийин кечади. Чунки уларнинг кўпчилигида миллатни элатдан, элатни қабила ёки қабилалар гуруҳидан ажратиб турадиган белгилари яққол акс этмаган. Бу нарса аввало кўпгина этносларнинг ривожланиш жараёни ҳозир ҳам давом этаётганлиги билан боғлиқ. Кўплаб кишилар гуруҳида миллий онг - у ёки бу халққа мансублик жуда тез, баъзан бир авлод умри давомида ўзгаради.

Тарихий жиҳатдан этносларнинг энг қадимий типи - қабила. Ҳар бир қабила бир қанча уруғлардан-қон-қариндошлик ришталари билан боғланган кишилар гуруҳидан таркиб топган. Ибтидоий жамоа тузуми даврида қабиладаги кишилар орасида ижтимоий табақалашув мавжуд бўлмаган. Ҳозирда баъзи бир (энг қолоқ ва кам сонли) этник гуруҳларда, биринчи навбатда кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар орасида қабилавий хусусиятлар сақланиб қолган.

Ибтидоий жамоа тузумининг парчаланиш жараёнида кўпгина қабилалар манфаатларининг умумийлиги уларни муайян Иттифоқларга бирлашишга олиб келди (масалан, Шимолий Америкадаги ирокезлар лигаси, Мексикада учта астек қабилалар уюшмаси, Жанубий Африкада зулус қабилалари Иттифоқи ва ҳ.к.). Бундай иттифоқларнинг шаклланиши қабилалар орасида хўжалик ва маданий алоқаларнинг кучайишига, бу эса ўз навбатида қабила-

ларнинг аста-секин қўшилиб кетишига олиб келди ҳамда илгариги қон-қариндошлик алоқалари ўрнини ҳудудий алоқалар эгаллай бошлади. Шу йўл билан янги этнос типи-кишиларнинг тили, ҳудуди, иқтисодиёти ва маданияти ўхшаш бўлган кишилар гуруҳи-элат шаклланди.

Дастлаб қулдорлик даврида қадимги Миср, қадимги Эллен ва бошқа шу каби элатлар шаклланди. Европада элатнинг шаклланиш жараёни асосан феодализм даврига келиб тугалланди (қадимги рус, поляк, немис ва ҳ.к.). Одатда келиб чиқиши ва тили яқин бўлган қабилалар ўзаро бирлашганлар (қадимги рус-полян, древлян, вятич ва бошқа шарқий славян қабилалари, поляк-поморян, вислян, маъзовшан ва бошқа славян қабилалари, немис-сакс, алеман ва бошқа герман қабилалари) ёки бирининг иккинчисига босқин уюштириши натижасида турли тилда сўзлашадиган қабилалар қўшилиб кетганлар (шимолий француз ва провансал элатлари-галл қабилалари, рим колонистлари, герман қабилалари, франклар, вестготлар ва бургундлар ва ҳ.к.).

Элатларнинг қўшилиши жараёнида ҳамда уларнинг айрим қисмлари орасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кучайиши натижасида улардан бирининг тили (одатда кўп сонли ва нисбатан ривожлангани) умумий тилга айланади, бошқа қабила тилларининг аҳамияти пасайиб, шева даражасига тушади ёки бутунлай йўқолиб кетади; муайян ҳудудий, маданий ва хўжалик бирлиги шаклланади. Бироқ, бундай бирлик ҳали анча (айниқса, иқтисодий жиҳатдан) беқарор ва бўш эди. Иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кучайиши билан элатлар аста-секин миллатларга айлана борди. Элатлар учун хос белгилар янги сифат даражасига кўтарилади: миллат барқарор ҳудудий, иқтисодий ва маданий бирлик билан, умумий тил билан ажралиб туради; ва ниҳоят, қайд этилган хусусиятлар натижасида миллий ҳарактернинг умумий жиҳатлари ҳамда миллий онг шаклланади.

Одатда миллат-номи сақланиб қолган элатнинг этник ривожланиш маҳсулидир. Бироқ, давлат чегараларидаги ўзгаришлар туфайли айрим

элатлар негизида бир қанча этник бирликлар юзага келган (масалан, португаллар ва галисийликлар, немислар ва австрияликлар ва ҳ.к.). Қадимги рус элати рус, украин ва белорус элатларининг умумий илдизи бўлиб хизмат қилди. Кейинчалик уларнинг ҳар бири алоҳида миллатга айландилар. Шундай ҳолатлар учрайдики, битта миллатнинг шаклланишида бир қанча элатлар иштирок этади (масалан, индонезия миллати яваликлар, сундлар, мадурлар ва бошқа элатлардан, филиппинлар-тагаллар, висайялар, илоклар ва бошқалардан шаклланган).

Кўпгина майда элатлар миллатга айланмаслиги мумкин. Улар камсонли бўлганликлари туфайли айрим замонавий йўналишларни маҳаллий кадрлар билан таъминлай олмасдан, тараққиётдан орқада қолдилар. Вақт ўтгач, бундай элатлар бошқа анча ривожланган элат ёки миллат билан алоқага киришадилар, уларнинг маданияти ва тилини ўзлаштирадилар ва аста-секин улар билан қўшилиб кетадилар.

**Вазифалар.**

1. Этнослар ва уларнинг турлари бўйича маълумотларни ўрганиш.

2. Мавзу бўйича турли ахборот бера олувчи манбааларни топиш ва улар орқали ўзларига керакли маълумотларни тўплаш.

3. Ўзбек миллатининг географик тарқалиши бўйича маълумотлар топиш ва уларни таҳлил қилиш.

**Топшириқни бажариш учун кўрсатмалар:**

- олинган маълумотлардан фойдаланиб, улар ёрдамида аҳолиси сон, илмий-техникавий маълумотлари 100 млн.дан ошган этник бирликлар тарқалган ҳудудлар аниқланиб, зарурий маълумотлар ўзлаштирилсин;

- гуруҳда “Ўзбек миллатининг географик тарқалиши” мавзусидаги баҳс-мунозарада қатнашиб, фикр мулохазалар алмашинсин.

**Ўқув предмети:** “Сиёсий география”.

**Мавзу**: «**Ўзбекистоннинг геосиёсий салоҳияти ва ташқи иқтисодий алоқалари**».

**Таълимий мақсад**: Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсий картасида тутган ўрни тўғрисида талабаларга чуқурроқ билим бериш.

Талабалар ушбу кейсни муваффақиятли ҳал этишлари учун Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрин хусусиятлари, ҳамда улардан ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсирини аниқлаш борасидаги ***билимларга эга*** бўлишлари лозим.

**Режалаштириладиган ўқув натижалари**:

- мавзуга оид маълумотларни таҳлил этиш ва баҳолаш қобилиятини ривожлантириш;

- мустақил тарзда қарор қабул қилиш малакаларини эгаллаш.

**Кейс топшириқ баёни:**

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги юксак мавқеи ва аҳамияти субъектив баҳолар билан белгиланмайди, балки стратегик хусусиятга эга бўлган объектив омилларга асосланади.

Биринчидан, Ўзбекистон-минтақадаги энг кўп аҳоли яшайдиган давлат. Бу ерда Марказий Осиёнинг қолган бошқа давлатларидан бироз кам бўлган аҳоли истиқомат қилади. Бу ҳолат минтақада Ўзбекистоннинг демографик улуши анча катта эканлигини кўрсатади.

Иккинчидан, Ўзбекистон, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, жаҳон миқёсидаги ёки минтақавий йирик давлатларнинг биронтаси билан ҳам бевосита чегарадош эмас. Геосиёсий нуқтаи назардан бу, шубҳасиз, муҳим устунликдир. Бошқа томондан, Ўзбекистон минтақа-нинг беш мамлакати билан умумий чегарага эга бўлган ягона давлат ҳисобланади.

Учинчидан, Марказий Осиёда қачонлардир мавжуд бўлган ва давлатчилик, фан ва маданиятнинг ривожланишида сезиларли из қолдирган барча асосий давлат тўзилмаларининг пойтахтлари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган.Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ва Тошкент маданиятларининг цивилизацион таъсириўтмишда мамлакат ҳудудидан ташқарида ҳам жуда кучли бўлган.

Нима деб ўйлайсиз, Ўзбекистоннинг марказий геосиёсий ўрни унинг ривожланишида қандай қулайликларни яратиб бериши мумкин?

**Топшириқни бажариш учун кўрсатмалар:**

- геосиёсий ўриннинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш;
- геосиёсий ўрин хусусичтларидан фойдаланиб ташқи иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқариш.

**Кейс № 2.** Материклар ва океанларнинг келиб чиқиши кўп олимлар томонидан турлича талқин этилади. Ўйлаб кўрингчи, материкларни келиб чиқиши ва ҳозирги ҳолатига келиши ҳақида қандай қарашлар мавжуд? Вегенернинг плиталарни сузиб юриши ҳақидаги гипотезаси қай даражада исботини топмоқда?

**Кейснинг мақсади:** Евросиё материги ҳақида умумий маълумот бериш ҳамда Европа қитъасининг пайдо бўлиши, ривожланиш тарихи, рельефи, геологик тузилиши ва фойдали қазилмаларининг тарқалишини ўрганиш.

**Саволлар:**

1. Муаммо нимадан иборат?
2. Мазкур муаммони ечишда ҳукумат қандай ишлар олиб бормоқда?
3. Сиз бу муаммога қандай ечимлар таклиф қиласиз?

**Тингловчилар учун кўрсатмалар:**

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.

3.Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.

4.Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.

Ер шари ахолисининг ярмидан ортиғи яшайдиган ва планетамиздаги энг катта қуруқлик массиви бўлмиш Евросиё материгини тўрт океан Шимолий Муз океани, Атлантика океани, Тинч океани ва Хинд океани ўраб олган бўлиб, у экватор билан 77° шим. кенглик орасида жойлашган. Материкнинг чекка нуқталари - Челюскин бурни (77° 43 ш.к.). Пиай бурни (1°16 ш.к.). Рока бурни (9°34 г.у.) ва Дежнёв бурнидир (169° 40 ғ.у.). У шимолдан жануб-га 8 минг км га, ғарбдан шарққа 16 минг км га чўзилган. Евросиёга кирити-ладиган баъзи ороллар бу материкдан анча олисда жойлашган. Шпицберген, Франц Иосиф Ери ва Северная Земля ороллари 80° ш.к. дан шимолга кириб борган. Малайя архипелагидаги ороллар эса жанубий ярим шарда 11° ш.к. гача тушиб келган. Атлантика океанидаги Азор ороллари 28° ғ.у. дадир. Оролларнинг умумий майдони 2,75 млн. км2, Евросиёнинг майдони ороллар билан бирга -53,4 млн. км.кв. Материкнинг жуда катталиги унинг табиий шароити жуда мураккаб ва хилма-хил эканлигига сабаб бўлган. Евросиёнинг ғарбий қисми, яъни Европа қитъаси энг тор бўлиб, уни денгизлар жуда парчалаб юборган: майдонининг 1/3 қисми ороллар ва ярим оролларга тўғри келади ҳамда денгиздан энг узоқдаги жойи атиги 600 км келади. Материк шарққа томон кенгая боради. Осиё қисмида ороллар ва ярим оролларга материк жами майдонининг 1/4 қисми тўғри келади.

Ғарбдан шарққа томон материк ер юзасининг характери ҳам ўзгара боради. Европанинг парчаланган рельефи Шарқдан Шарқий Европа, Ғарбий Сибир ва Турон текисликларининг ҳамда Ўрта Сибирь платосининг кенг сахни билан алмашинади.

Евросиёни ғарб ва жануби-ғарбдан Атлантика океани ва унинг денгизлари ўраб туради. Бу океаннинг Евросиёга бевосита туташиб турувчи

шимоли-шарқий қисми Ўрта Атлатика тизмасидан шарқда Ғарбий Европа сув ости сойлигидан иборат; унинг энг чуқур жойи 6000 м дан ортади.

Материк саёзлигидан шимолда Шимолий Муз океани бир қанча чуқур сув ости сойликларига бўлиниб кетган: бу сойликларни бир-биридан ажратиб турган сув ости тизмаларида бир группа материк ороллари-Шпицберген, Франц-Иосиф Ери ва бошқалар жойлашган. Баъзи ороллар 80° ш.к. дан шимолдадир. Шимолий Муз океанини Тинч океанидан сув ости баланд-ликлари ажратиб туради, бу баландликлар устида чуқурлиги 50 м гача бўлган Беринг буғози жойлашган.

Евросиёнинг шарқий қирғоқларини Тинч океан сувлари ювиб туради, бу океан бутун Дунё океанининг ярмини ташкил этади. Тинч океанининг ғарбий қирғоқлари нихоятда ўйилиб кетганлиги ва оролларнинг жуда кўплиги билан ажралиб туради. Деярли меридионал йўналган қатор ороллар ва ярим ороллар бир-бирига туташ чекка денгизлар системасини океандан ажратиб туради, чунончи, Камчатка ярим ороли ва Курил ороллари Охота денгизини, Япон ороллари ва Корея ярим ороли Япон денгизини очиқ океандан ажратиб туради. Материк, Корея ярим ороли ва Рюкю ороллари ўртасида материк саёзлигида Сариқ денгиз билан Шарқий Хитой денгизи жойлашган: Хиндихитой, Филиппин ва Зонд ороллари Жанубий Хитой денгизини чегаралаб туради. Тинч океанининг чекка қисми материк ер пўстидан иборат геосинклинал структурага эга, марказий қисми эса чуқурлиги 5000 м дан ортиқ жойлари бўлган океан типидаги чўкмалардан иборат. Курил-Камчатка чўкмасининг чуқурлиги 10542 м, Ер шаридаги энг чуқур Мариана чўкимасининг чуқурлиги 11022 м Филиппин чўкмаси - 10265 метр. Оролллардаги тоғларнинг баландлиги 2-3 минг м ва ундан ортиқ. Ороллар ёйи орасида жойлашган сувости тектоник сойликларининг чуқурлиги 2-6 минг м (Япон денгизи – 4036 м, Жанубий Хитой денгизи 4400 м, Филиппин сойлиги - 6363 м).

Осиёнинг жанубий қирғоқларини ювиб турувчи Хинд океанининг катта қисми океан ер пўсти типидаги қадимги сув ости чўкмасидан иборат. Океаннинг ғарбий қисми Африка, Арабистон ярим ороли, Мадагаскар ороли Хиндистон ярим оролини бир-бирига туташтириб турган қадимий қуруқликнинг чўкишидан ҳосил бўлган. Шарқда Зонд ороллларининг жанубий сохиллари яқинидан энг чуқур жойи 7430 м бўлган букилмалар полосаси ўтади. Океаннинг катта қисмида 3000-5000 м ли чуқурликлар устун туради. Евросиё қирғоқлари яқинидаги энг катта сув ости сойлиги Арабистон сойлигидир.

**Кейс № 3.** Ўйлаб кўрингчи, Европа иқлими билан дарёларининг серсувлиги орасида қандай фарқ ва умумийлик мавжуд.

**Тингловчилар учун кўрсатмалар:**

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.

Европа иқлими шаклланишида бевосита унинг географик ўрни, орографик тузилиши жуда катта аҳамиятга эга. Жумладан уни Атлантика океани хавзасида жойлашганлиги океандаги Илиқ оқимнинг мавжуд эканлиги ҳамда худуднинг шимолий-шарқий томон кенгайиб бориши худуд иқлимини ўзига хос тарзда шаклланишига сабаб бўлади. Худуд иқлимини шаклланишида радиациянинг умумий микдори ва радиация балансини аҳамияти жуда атта. Худудда радиация баланси ва радиация микдори жанубдан шимолга томон кенгайиб боради. Сицилия ва Болқонда йиллик радиация микдори 160, Париж кенглигида 100 ккал.см га тенг. Радиация баланси ҳам Европанинг жанубида 80, Париж кенглигида 40, Шимолий Скандинавияда 30 ккал.см га тенг. Бутун Европа ёзда радиация баланси

мусбат, қишда эса фақатгина Ўрта денгиз буйидагина радиация мусбат бўлиб, қолган районларда манфий ёки О га яқиндир. Европа устида асосий типдаги ҳаво массалари хукмронлик қилади. Ўрта кенгликлар ҳаво массалари, Арктика ва тропик ҳаво масалари мавжуд. Худуд иқлимини шаклланишида Атлантика океани устида таркиб топадиган ўрта кенгликлар ҳаво массалари таъсири жуда юқоридир. Мўтадил кенгликлардаги денгиз ҳавоси ҳамда континентал ҳавоси ўртасидаги фарқ жуда катта бўлиб қуруқлик ҳавоси унча катта роль ўйнамайди. Арктика ҳавоси эса асосан шимолий худудларга жуда катта таъсир кўрсатади. Атмосфера циркуляцияси атмосфера босимини худуд бўйича тақсимланишига боғлиқ. Жумладан Арктика ва субтропикларда юқори босим минтақалари ва уларнинг оралиғида паст босим минтақаларининг мавжудлиги, худудга кириб келадиган ҳаво массаларини асосан шу юқори босимли минтақалардан келишига сабаб бўлади. Худудга Марказий Осиё ва Азор ороллари яқинидаги Азор максимумларини таъсири кучлидир. Атмосфера циркуляциялари мавсумий характерга эга бўлиб мавсумлар бўйича алмашиниб туради. Шарққа борган сари ҳаво массаларининг ўзгариши натижасида ғарбий ҳаво оқимининг ҳароратси камая боради ва бу ерларда денгиз иқлими типи бир мунча ўз хусусиятини йўқотади.

Термик шароитнинг худуд бўйлаб нотекис бўлиши қишда қор қоплами узоқ вақт турмаслигига сабаб бўлади қор Фенноскандиянинг шимолида 6-7 ой, жанубида ва Германия-Польша текислигининг шарқида 1-2 ой, Дунай бўйи текисликларида 3-4 ҳафта қолган худудларда ундан ҳам кам муддат сақланиб туради.

Атлантика соҳилида айниқса ёғин кам ёғиб шарққа томон камайиб боради.

Бунга сабаб циклон фаолиятининг камайиб денгиз ҳавосини қуруқлик ҳавоси билан алмашинишидир. Қиш фасли ҳаво ҳароратси Мадридда -12, Пимла - 4,, Лондонда -13, Берлинда -26, Мурманскда - 38 кўрсаткичга эга, Ёзда эса Мадридда +44, Пимла +39, Лондонда +34, Берлинда +38, Мурман-скда +33 кўрсаткичга эга.

Ёғин микдорини географик тақсимланишида худудга қириб келувчи Исландия минимуми ва ғарбий йўналишидаги шамоллар оқими катта таъсир кўрсатади. Худуднинг намлик коэффициенти бир мунча юқори эканлиги худуда ёғин микдорини ҳам материкни ички қисмига нисбатан бир мунча кўп бўлишига сабаб бўлади. Худудни катта қисмида 9 000 мм ёғин ёғади.

Европа арктика, субарктика, мўътадил ва субтропик иқлим минтақаларида жойлашган.

Арктика ва субарктика минтақалари. Бу минтақаларда Европанинг Шпицберген, Исландия, Ян-Майен, Медвежий ороллари жойлашган. Арктика минтақасида йил давомида Арктика ҳавоси хукмрон. Субарктикада қишда арктика ёзда мўътадил ҳаво массалари алмашиниб туради.

Мўтадил минтақа. Бу минтақада йил бўйи ўрта кенгликлар ҳаво массалари хукмронлик қилади. Ғарбдан циклонлар келиб туради. Минтақанинг шимолий қисмида ёз салқин жанубида эса иссиқ. Океан таъсирига кўра денгиз ва куруқлик иқлим типлари ажратилади. Минтақанинг жанубий қисмида Европа Атлантика соҳилининг денгиз иқлими; Европа Атлантика соҳилининг денгиз иқлимидан шарқий Европанинг қуриқлик иқлимига ўтувчи иқлим Дунай бўйи текисликларининг континентал иқлими; ўрта баландликдаги тоғлар иқлими; баланд тоғлар иқлими типлари мавжуд.

Субтропик минтақа. Бу минтақада ёзда тропик, қишда мўътадил минтақа ҳавоси ҳукмронлик қилади. Жанубий Европанинг катта қисми Венеция–Падан пасттекислиги Пиренея ва Болқон ярим оролларининг шимолидан ташқари шу минтақада жойлашган. Ғарбий Европа қисмида Ўрта денгиз типи характерли. Бу минтақада ҳам денгиз ва қуриқлик типлари ажратилади.

# VI. ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|---|---|---|
| **Аграр ислоҳат** | Қишлоқ хўжалигида давлат томонидан амалга ошириладиганижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар | **Agricultural policy** - the socio-economic transformation in the agricultural sector by the State. |
| **Азимут** | Кузатув нуқтасида меридиан ва вертикал юза ўртасидаги бурчак | **Azimuth** - angle between the plane of the meridian observation point and vertical plochkostyu passing through this point and the observed object |
| **Айсберг** | Музликдан синиб тушган сузувчи йирик муз парчаси | **Iceberg** - floating block of ice broke away from the glacier |
| **Аккумуляция** | Ер юзаси ёки денгиз тубида тоғ жинслари оқизиқларининг тўпланиши | **Accumulation** - accumulation, deposition of sediments or rocks on the Earth's surface or on the bottom of the sea |
| **Анклав** | Давлат ёки унинг бир қисмининг бошқа давлат худуди билан ўраб олинганлиги | **Enclave** - a country or a part thereof, with all sides surrounded by the territory of another State |
| **Артезиан бассейн** | Сув ўтказмайдиган қатламлар орасида йиғилган, босимга эга бўлган ер ости сувлари | **Artesian Basin** - pressure underground water concluded between waterproof layers |
| **Атмосфера** | Сайёрамизнинг хаво қобиғи | **Atmosphere** - air ground shell |

| | | |
|---|---|---|
| **Атом электростанцияси** | Атом энергиясини электр энергияга айлантирадиган станция | **Nuclear power station -** power which nuclear energy is converted into electrical energy |
| **Табиий ресурс** | табиатда мавжуд бўлган турли кўринишдаги ресурслар бўлиб, улар мамлакатлар иқтисодиётини шакллантириш ва кишилик жамияти ривожи учун муҳим аҳамиятга эга | **Natural resources -** components and properties of nature necessary for a person to obtain materiaal and other benefits. Natural resources are natural (natural) origin |
| **Ресурслар билан таъминланиш** | табиий ресурслар миқдори ва улардан фойдаланиш миқёси орасидаги тафоввут.<br><br>Маълум турдаги ресурсларнинг неча йилга етиш ҳолати ҳамда аҳоли жон бошига миқдори асосида аниқланади | **Resource supply index -** the ratio between the amount of diluted stock of resources |
| **Саноат** | Иқтисодиётнинг жамият ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиёти даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган етакчи тармоғи | **Industry -** the largest and most technically advanced material manufacturing industry. creating tools and other means of production, as well as most of the commodities |
| **Ундирувчи саноат** | Минерал ресурсларни излаш ва қазиб олиш билан шуғулланувчи тармоқлар мажмуи бўлиб, шу билан | **Extractive industry -** complex industries engaged in extraction and enrichment of minerals at oil and gas enterprises, mines, |

| | | |
|---|---|---|
| | бирга мажмуа таркибига уларни бирламчи қайта ишлаш ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоқлари ҳам киради. | quarries, mines, mining enterprises and other similar companies. |
| **Қишлоқ хўжалиги** | Моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, биологик ресурслардан фойдаланган ҳолда маҳсулот яратади | **Agriculture -** a branch of material production using biological processes for the creation of plant and animal products. |
| **Интенсив йўл** | Маълум ер майдонига катта миқдордаги маблағ йўналтирилиши асосида қўшимча техник воситалар жалб этиш, ер таркибини яхшилаш мақсадида меллиоратив ва ирригацион тадбирлар ўтказиш | **Intensive way -** the application of new technologies in the cultivation of the land and the development of new, more productive varieties. |
| **Транспорт** | иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлиб, халқ хўжалиги ва аҳолининг юкларга эҳтиёжларини ўз вақтида муттасил таъминлаб туради. | **Transport** - one of the main sectors of the economy. Is engaged in the movement of people, goods (products), information, energy from place to place, from one region (country) to another region (country). |
| **Сиёсий карта** | давлатларнинг жойлашган ўрни, чегаралари ва | **The political map of the world -** a geographical map showing the |

| | | |
|---|---|---|
| | пойтахтларини кўрсатиб берувчи карта | countries of the world, their form of government and polity. |

# VII. ФОЙДАЛАНИЛАГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари


1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.


## II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар


6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи “Ўқитувчи ва мураббийлар–янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир”. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 1 октябрь, №207 (7709).

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февраль “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623-сонли қарори.

## Ш. Махсус адабиётлар


19. Авазов Ш., Сайдаматов Ф., Аллаберганов Х. “Биосфера (экосфера) ва одам (жамият) тизимида геоэкология ва геоэкологик ўлкашунослик. Монография. Тошкент: INNOVATSIYA-ZIYO”, 2019.

20. Акимова Т.А. Экология: Человек – Экономика – Биота – Среда: учеб. для вузов / Т.А. Акимова, В.В. Хаскин. – М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2001.

21. Алексеев В.П. Географические очаги формирования человеческих рас. – М.: «Мысл», 1985.

22. Будилова Е.В. и др. Природные и антропогенные экосистемы: проблемы и решения. – М.: «БИБЛИО-ГЛОБУС», 2017.

23. Бирюков Н.П. Эволюция. Происхождение Вселенной, жизни на земле, популяционно-генетические основы эволюции живых организмов, макроэволюция: учеб. пособ. – Калининград: КГУ, 1999.

24. Будыко М. И. Эволюция биосферы. – Л.: «Гидрометеоиздат», 1984.

25. Верзилин Н.Н. Географическая оболочка: понятие и модель эволюции / Вестник Санкт-Петербургского университета. Сер 7. Вып. 3.- С.37-48.

26. Вернадский В.И. Биосфера и ноосфера. – Москва: «Айрис-Пресс», 2003.

27. Вернадский В.И. Живое вещество.– М.: «Наука», 1978.

28. Влияние человека на ландшафт / Под ред. Ф.Н. Милькова, К.Н. Дьяконова. – М. «Мысль», 1977.

29. Геоэкология и природопользование. Понятийно-терминологичес-кий словарь / Авторы составители Козин В.В., Петровский В.А. – Смоленск: «Ойкумена», 2005.

30. Горшков В.Г. Физические и биологические основы устойчивости жизни / Отв. ред. К.С. Лосев. – М.: ВИНИТИ, 1995.

31. Дерягина М.А. Эволюционная антропология: биологические и культурные аспекты: учеб. пособие / М.А. Дерягина. – М.: Изд-во УРАО, 2003.

32. Жирков И.А. Жизнь на дне. Био-география и био-экология бентоса. – М.: Т-во научных изданий КМК, 2010.

33. Залогин Б.С. Мировой океан / Б.С. Залогин, К.С. Кузьминская: учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. – М.: Изд-кий центр «Академия», 2001.

## IV. Интернет сайтлар

19. http://edu.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

20. http://lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

21. http://bimm.uz – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошиthe ташкил этиш бош илмий-методик маркази

22. http://ziyonet.uz – Таълим портали ZiyoNET

23. http://natlib.uz – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси